Бугуиги сонда:

1 – бет
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



3-бет
ХАТЛАР: ТАКЛИФ, ТАНҚИД, МУЛОҲАЗА

5 – бет
МАРАТ АЗИМОВ, «МАЪНАВИЯТНИНГ БОЗОРГА СОЛИНИШИДАН ҚУРҚАМАН...»

6-бет
ЎЗБЕКНИНГ КУПКАРИСИ...

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 10 февраль, пайшанба № 35—36 (21. 640). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Ўзаро мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ҳарбий-техник, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги вазият, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муносабатлар борасида ҳам фикрлашиб олинди.

СУРАТДА: қабул пайти. (ЎзА).

Элчихонадаги учрашув

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида мамлакатимиз Президентининг 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Унда Россия ва хорижий мамлакатларнинг 40 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ҳамда нашрларининг вакиллари иштирок этди. Шунингдек, АҚШ, Беларусь, Тожикистон элчихоналари, Россия вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Албатта бу воқеага қизиқиш бежиз эмас. Янги фармон республикадаги иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартириш шубҳасиз. Айни пайтда у иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ҳақидаги ислоҳотнинг муҳим тамойили қатъият билан амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев йиғилганларга фармоннинг моҳияти ва унинг Ўзбекистон шароитидаги аҳамияти ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг журналистлар Ўзбекистонда юргизилаётган сиёсат, иқтисодий ислоҳот дастури, тадбиркорлик борасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, уч республика чегараларидаги божхоналарнинг тугатилиши, мулкни хусусийлаштириш, ижтимоий ҳимоя ҳақидаги кўпдан-кўп саволларга жавоблар олдилар.

У. РАЖАПОВ,
Ф. ПАРПИЕВ.
(ЎзА).

АФҒОНИСТОН ХУСУСИДА ҚЎШМА БАЁНОТ

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари ўз мамлакатларининг Афғонистон ички ишларига аралашмасликдан иборат қатъий йўлини тасдиқлаб, у ерда давом этаётган қуролли кураш яна авж олгани муносабати билан чуқур ташвиш билдирадилар. Қуролли курашнинг авж олиши бу мамлакатда вазиятни изга солиш истиқболини орқага суриб юборади.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси бир одаркушлик урушини тўхтатиш тарафдори бўлиб, Афғонистондаги барча ҳарбий-сиёсий гуруҳларни куч ишлатишдан воз кечишга ва миллий жипслашиш ҳамда муросса мақсадларини кўзлаб, биргаликда сиёсий келишув йўлларини излашга даъват этадилар.

Томонлар Афғонистондаги можаро бу мамлакатдаги ички зиддиятларнинг оқибати бўлиб, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка хавф солмоқда, деб ҳисоблайдилар, МДҲ жанубий чегаралари яқинида кескинлик кучайганидан жиддий ташвишланаётганликларини билдирадилар.

Россия ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари Афғонистон давлатининг яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлиги тарафдоридирлар. Улар мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ва Афғонистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўлини белгилаб олиш аввало афғонларнинг иши эканига аминдирлар. Томонлар бундан буён ҳам қатъий бетарафликка амал қилиб, Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик қоидасига риоя этиш ниятидадирлар. Россия билан Ўзбекистон умумий халқаро саъй-ҳаракатлар доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, барча манфаатдор давлатлар билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда, ана шу мақсадларга эришишга иложи борича кўмаклашишга тайёрдирлар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёда маҳаллий можароларни, шу жумладан афғон муаммосини бартараф этиш масалалари ва бу ишларни биргаликда амалга оширишга тайёр эканлигини айтиб, вақтида ташаббус бошлаганн таъкидланди.

Томонлар минтақада ҳамфикрлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, тинч, мустақил Афғонистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар.

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири
А. КОЗИРЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
С. САИДҚОСИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

Давлат мулки жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси таркибига ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

— кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ягона сиёсатни ўтказиш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда устивор йўналишларини белгилаш;

— давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат мулки объектларини бошқа мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгартишларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сафарбар этиш;

— давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш, ва хусусийлаштириш чоғида хорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва шаклларини белгилаш;

— сармоя жамғармаларини, консалтинг ва аудиторлик хизматларини, холдингларни, жамғарма биржалари ва кўчмас мулк биржаларини, ўзгача биржаларни ҳамда бошқа бозор тузилмаларини ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилиб, қўмитанинг тузилмасини ва у ҳақдаги низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат мулки жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 7 сентябрдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 10 февралдаги фармонлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1994 йил 7 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан йўллаган мактубингиз учун Сиз Жаноби олийларига миннатдорлигимни билдираман ва 1994 йилда Сизга ҳам эзгу тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

БЕАТРИКС,
Нидерландия қироличаси.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

8 февраль куни Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида Андрей Козирев билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов иштирокида сафар якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Вазирлар журналистларнинг саволларига жавоб бериб, сафарнинг муваффақиятли ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Андрей Козирев Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов билан учрашувига тўхталиб, мулоқот чоғида иқтисодий, маданий алоқалар ҳақида сўз борганини айтди.

А. Козирев ва С. Саидқосимов матбуот вакиллари билан учрашув сўнгида Афғонистон тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Шу куни Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА).

• *Маҳалланг—ота-онанг*

ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ўқув маркази негизида Тошкент шаҳар маҳалла фаоллари ва оқсоқолларининг ўқуви бошланди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов очди.

Маҳаллаларда тарбиявий, миллатлараро аҳилликни янада яхшилаш, миллий қадриятлар, урф-одатларни ривожлантириш ҳамда маҳалла оқсоқолларининг кундалик иш тажрибаларини бойитишда катта аҳамият касб этадиган мазкур маҳалла фаоллари ўқувида улар юртбошимизнинг халқчил фармонларининг жойларда бажарилиши, Олий Мажлисга сайловолди тайёргарликнинг бориши, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларидаги маҳаллалар иш тажрибаларини ўрганадилар.

Ўқувнинг дастлабки куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов «Миллий истиқлол мафкурасини яратишда халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, миллий қадриятларини тиклаш ва ҳаётга тадбиқ этишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни ҳамда Ўзбекистон Олий Мажлиси сайловларига тайёргарлик» тўғрисида маъруза қилди. Тингловчилар кўплаб саволларга аниқ жавоб олдилар.

Танаффус пайтида маҳалла фаоллаларини суҳбатимизга тортиб, улардан оқсоқоллар ўқувининг аҳамияти ва маҳаллаларда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари иш фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Мунаввар МУЛЛАЕВ, Мирзо Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалла кенгаши оқсоқоли: — Маҳалла оқсоқоллари ўқуви жуда керак эди. Негаки, яқиндагина ниҳоясига етган оқсоқоллар сайловидан сўнг улар эски тажриба билан эмас, кўпроқ янгичасига ишлаш лозим бўлади. Ўйлайманки, ўқув давомида тажрибалар алмашамиз. Янгича тайрат билан маҳаллада тотувликни, ёшлар ўртасида тарбияни яхшилаб, буюк давлат қуришга ҳиссамизни қўшамиз.

Маҳалламизда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти (котиби Нозир Иноятов) тузилган. Биз биргаликда яхши ишларни олиб боряпмиз. Шу боис ҳам партиянинг нуфузи маҳалламизда баланд.

Сандкарим ҚОСИМХЎЖАЕВ, Миробод тумани Шароф Рашидов номли маҳалла оқсоқоли: — Ҳозиргина Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалоловнинг маърузасини тинглаб, катта таассурот олдик. Албатта, ХДП катта тайёргарлик кўриб маҳалла фаоллари ўқувини ташкил қилгани биз оқсоқолларни қувонтирибгина қолмай, маҳаллада миллатлараро тотувликни, ёшлар ўртасида тарбияни кучайтиришимизга катта ёрдам беради. Маҳалламизда бошланғич партия ташкилотини тузишга тайёргарлик кўряпмиз. Ниятимиз, шошма-шошарлик билан эмас, эътиқодли кишилар, ғайратли ёшлар билан партия сафини тўлдириб бориш.

Ўқувда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва уларнинг бажарилиши билан боғлиқ долзарб вазифалар» тўғрисида маъруза қилди ва фаолларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Маҳалла оқсоқоллари ўқувининг биринчи кунида маҳалла фаоллари Яккасарой туман маҳалла қўмиталари иш тажрибалари билан танишишди.

Дарҳақиқат маҳалла тарбия ўчоғи бўлибгина қолмай, миллатлараро тотувликни, миллий удум ва қадриятларни ривож топтиришга омил бўла оладиган маскандир. Бекорга, маҳалланг —ота-онанг, демайдилар. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги маҳалла оқсоқоллари фаоллари ўқуви катта аҳамиятга эга.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЎЗБЕКИСТОН ХДП: ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

МЕҲНАТЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалолов ва Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида бўлиб, бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти билан танишдилар. Жумладан, Янгийўл ёғ-мой комбинати, биокимё заводида бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва ходимлари билан суҳбатлар уюштирилди.

Бу корхоналар ўз ички имкониятларидан фойдаланиб ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш эвазига қўпгина янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишмоқда. Ёғ-мой комбинати аҳоли учун энг зарур бўлган ёғ, мой, совун ва бошқа маҳсулот турларини меъёрида ишлаб чиқараётган бўлса, кимё заводи турли хилдаги упа-элик, рўзғорбоп кимёвий маҳсулотларни, ҳатто шифобахш женшенни тайёрламоқда. Ҳар иккала корхонанийг бошланғич партия ташкилотлари ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, турли қулайликлар яратиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашяпти, хайрли ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Янгийўл шаҳрида халқ таълими ва ўрта махсус таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Янгийўл шаҳар озиқ-овқат технологияси коллежи республикамизда биринчилар қатори ташкил этилган бўлиб, унда 1000 дан ортиқ талаба таҳсил олади. Коллежнинг ташкил топиши ва ўқув тизимининг ислоҳ қилинишида ХДП Янгийўл шаҳар кенгаши ва партия фаолларининг ҳиссаси катта.

Шаҳар партия кенгаши биносида ўтказилган учрашувда шаҳар ҳокимияти ходимлари, партия фаоллари, оқсоқоллар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалолов сўзга чиқиб, республикамизда юртбошимиз И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти, "Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти, уни ҳаётга тадбиқ этишда мазкур партия ташкилотларининг ўрни ва вазифалари тўғрисида гапирди. Сўнгра у мулоқот қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Й. ҚАЙНАРОВ.

ТУМАНЛАР ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент вилоятидаги Паркент, Пискент ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари фаолларининг йиғилиши бўлди. Уларда ташкилий масала кўрилди. Т. Холтоев Паркент, А. Шерматов Пискент ҳамда М. Қалқулов Юқори Чирчиқ туман ҳокими этиб тайинланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишларда сўзга чиқди.

Йиғилишларда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Мусобақадош Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаси деҳқонлари узоқ йиллардан бўён барча масалаларни биргаликда бамаслаҳат ечишга одатланишган.

Яқинда сурхондарёлик бир гуруҳ қишлоқ меҳнаткашлари вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ж. Абдулҳакимов бошчилигида Қашқадарёга ташриф буюрдилар. Улар вилоят деҳқончилик саноат давлат кооператив уюшмаси саройида деҳқон, фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар ишлаб чиқарган, даларда етиштирилган ноз-неъматларнинг тури ва сифати билан танишдилар. Сўнгра улар гуруҳларга бўлиниб, хўжаликларга жўнаб кетишди.

Меҳмонлар қўшниларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги иш тажрибаларини кўрдилар, сифат ва самарадорликни таъминлаш юзасидан маслаҳатлар бериш ди.

Қашқадарёда ўтказилган минтақавий семинар-кенгаш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда қатнашган ва сўзга чиққан вилоят ва туман қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, сув хўжалиги ходимлари мусобақадошларнинг таклифи, танқид ва мулоҳазаларидан тегишли хулосалар чиқариб, ишда ижобий бурилиш қилажакларини билдирдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАКЛИ ҲАР ХИЛ, МАҚСАДИ БИР: ЭЛНИ ТЎЙДИРИШ, ЮРТНИ БОЙИТИШ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Норбек ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири

Вазирлигимиз тизимидаги, жамоа, давлат, уюшма, ширкат ва хусусийлашган фермалар 1993 йилда обҳаво шароитининг инжиқлигига қарамасдан анча яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Маҳсулот харид қилиш режалари шоли, картошка, сабзавот, қоракўл тери, пилла маҳсулотлари бўйича ортиғи билан бажарилди, пахта ва дон топшириғи ҳажми ўтган йилга нисбатан кўпайди.

Лекин асосий даромад манбаи бўлган пахта хом ашёсини харид қилиш режаси Сирдарё вилоятида 68 фоиз, Тошкентда 82, Жиззахда 82,8, Самарқандда 87,3, Наманганда 95,7 фоиз бажарилди.

Шунга қарамасдан вазирлик хўжаликларида ўтган йилда 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ҳар бир ишловчига 557.714 сўмлик маҳсулот етиштирилди ва ўртача ойлик иш ҳақи 30721 сўмни ташкил этди.

Вазирлигимиз бўйича 2095 та жамоа, ширкат, давлат хўжаликлари ва хусусийлашган фермалар 108,5 млрд. сўм фойда олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони давлат мулкини хусусийлаштиришни янада жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва бозор механизмининг эркин ишлаши учун тегишли шароитлар яратиш борасидаги жуда улкан қадам бўлди.

Мулкни хусусийлаштириш ишларини пировардига етказиш мустақил Ўзбекистоннинг янги иқтисодий муносабатларга ўтишида асосий омил бўлишини эътиборга олиб, Президентимиз И. А. Каримов республика Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида «хоҳ қишлоқ хўжалигида бўлсин, хоҳ саноат ва қурилишда бўлсин, исталган соҳада мулкни ва бу мулкдан келадиган маҳсулотни ўз эгасига топширмасак, яъни хусусийлаштиришни кенг кўламда амалга оширмасак, ҳеч нарсага эриша олмаймиз» — деб уқтириб ўтдилар.

Ана шу нуқтаи-назардан республика деҳқончилик саноати мажмуида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига кўра мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни ўз эгасига топшириб хусусийлаштириш, акционерлик, жамоа ҳамда кооператив мулк шаклларига айлантириш, меҳнат жамоаларига бозор шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун имкон яратиш борасида анча ишлар қилинмоқда.

Республика Қишлоқ хўжалик вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1993 йил 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, 1993 йил мобайнида 734 та давлат хўжалиги негизида 329 та жамоа хўжаликлари, 314 та ширкатлар уюшмаси, 91та ижара хўжаликлари ташкил этилди ва 764 та чорвачилик фермалари жамоаларга хусусий мулк қилиб берилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида бошқарув ходимларининг сони 7 минг кишига камайиб фақат иш ҳақининг ўзидан 1 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағ тежалди.

Иқтисодий ислоҳот Қашқадарё, Жиззах, Хоразм, Фарғона ва Бухоро вилоятларида анча муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасининг сурункали, босқичма-босқич камайтириб борилаётганлиги, маҳсулотларнинг асосий қисмига эркин нархларнинг жорий қилиниши, ернинг деҳқонларга узоқ муддатга — 10 йилга ижарага, бошқа барча асосий воситаларнинг жамоаларга, ижарачиларга, оилавий гуруҳларга бепул мулк қилиб берилганлиги, чорва фермаларининг жамоаларига хусусий мулк қилиб сотилганлиги иқтисодий эркинликни таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Республикамизда 1993 йилда мулкчиликнинг турли нодавлат шаклларига ўтган хўжаликлар ўзларининг молиявий аҳволини бирмунча тикладилар, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириб сифатини яхшиладилар, иқтисодиётини соғломлаштирдилар.

Қашқадарё вилоятида мулкчилик шаклини ўзгартирган хўжаликларда 1993 йилда 1992 йилга нисбатан дон етиштириш 4359 тонна, пахта 31466 тонна, картошка 885 тонна, сабзавот 901 тонна, узум 360 тонна, гўшт 950 тонна ва сут 1726 тонна кўпайганлиги иқтисодий ислоҳот билан бевосита боғлиқдир.

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Колос» давлат хўжалигининг «Бўстон» жамоа хўжалигига айлантирилиши натижасида хўжаликнинг маъмурий-бошқарув аппарати 16 кишига қисқарди, хўжалик давлат тасарруфида бўлган 1992 йилга қараганда 1993 йилда дон ишлаб чиқаришни 396,7 тоннага, пахтани 205 тоннага, сабзавотни 14 тоннага кўпайтирди, рентабеллик даражаси эса 23,6 фоиздан 39,9 фоизга ошди.

Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги жамоа хўжалигига айлантирилиши натижасида нафақат бошқарув ходимлари 38 кишидан 16 кишига келтирилди, балки меҳнатнинг ислоҳот талаблари даражасида ташкил қилинганлиги, хўжаликдаги ҳар бир ишловчининг қилган меҳнатининг натижаларидан манфаатдор бўлиши таъминланганлиги натижасида пахта ҳосилдорлиги ўтган йилдаги 29,3 центнердан 31,7 центнерга ёки 2,4 центнер, донники 4,0 центнер, сабзавотники 1,2 центнер кўпайишига эришилди. Хўжалик 1992 йилни 7 фоиз рентабеллик билан якунлаган бўлса, 1993 йилда 25 фоиз рентабелликка эришди.

Андижон вилоятининг Андижон туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасида маъмурий раҳбарларнинг 30 таси қисқартирилиб, бошқарув аппаратида 27 киши қолди. Хўжалик 1992 йилга қараганда 204,7 млн. сўм кўп фойда ёки 45 фоиз рентабеллик билан йилни якунлашга эришди.

Мулк шаклини ўзгартирган бундай хўжаликларда бошқарувнинг асосини иқтисодий омиллар эгалламоқда, барча соҳада мустақил ширкатлар тузилган, улар ўз мулкига ўзлари хўжайинлик қиладилар, маҳсулотини ҳам жамоа тасарруф қилиб ўз эрки билан сотадилар, харажатнинг ҳар бир сўми жамоа томонидан назорат қилинади, буларнинг ҳаммаси қўшилганлиги натижасида ислоҳотнинг асосий мазмуни ўз истиқболини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш керакки ислоҳотнинг туб моҳияти ҳар бир мулкнинг ўз эгаси бўлсин, жавобгар шахс ҳар бир сўм учун жавоб берсин, эгасизлик, хўжасизлик умуман бўлмасин, халқ мулки нестнобуд қилинмасин, маҳсулот кўпайсин ва халқ бойисин.

Албатта шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, ҳозирча бу хўжаликлар ислоҳотнинг бошланиш даврида турибди, бундан кейин мулкнинг ҳақиқий эгаси эканликларини ҳис қилаётган жамоаларда иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиши турган гап, меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошишига шубҳа бўлмайди.

Шу билан бирга тизимимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларини барча жойларда ҳам ҳозирги давр талаби даражасида олиб борилаяпти деб бўлмайди. Бир қанча вилоятлардаги хўжаликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари томонидан мулкни ўз қўлидан чиқариб юборишдан чўчиши натижасида мулк ўз эгасини топа олмаяпти. Бу тўғрида Президентимиз И. Каримовнинг «Модомики, мулк давлат тасарруфидан чиқарилмас экан, тараққиёт ҳам бўлмайди», деб айтган сўзларини келтириш ўринлидир.

Шунга қарамасдан кўпчилик вилоят ва туманларда хўжаликларнинг ташқи қиёфасини ўзгартирдилар, айримлари эса оддий йўлини топиб жамоа хўжаликларига айлантирдилар (Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Тошкент, Навоий, Наманганда шундай бўлди), лекин амалда ҳеч нарса ўзгармади, бошқарув услуби эскича, иш тартиби аввалгидай, ички ўзаро муносабатда ҳисоб-китоб йўлга қўйилмаган, буйруқбозлик, маъмуриятчилик ҳукм сурмоқда, натижада Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат уюшмасига қарашли 18 та мулк шаклини ўзгартирган хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш 1993 йилда 1992 йилга нисбатан макка дони ва картошкадан ташқари қолган барча маҳсулот турлари бўйича камайган.

Бугунги кунда чорвачиликда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳот ҳам дастлабки натижаларни бермоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Хушвақтов номли жамоа ширкат хўжалигидаги «Чорвадор» хусусийлашган фермасида 798 бош қорамол, 295 бош сигир мавжуд бўлиб, жамоа ислоҳотнинг мақсадини тушунганлиги, раҳбарларнинг масалага жиддий ёндошганлиги натижасида 1992 йилга нисбатан 5,7 тонна сут кўп ишлаб чиқарилган, ҳар сигирдан кунлик соғиб олинаётган сут 2,5 килограмм кўпайишига эришилган.

Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги «Чорвадор» хусусийлашган фермасида 1992 йилга қараганда 19,7 тонна кўп гўшт ишлаб чиқарилган ва ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут 324 килограммга кўпайган.

Бўка туманидаги Б. Умаров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Бирлик», Сирдарё туманидаги «Лайлакқўл», Асака туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг хусусийлашган фермасида, Ховос туманидаги Ж. Усмонов номли ассоциацияда 1993 йилда ҳар сигирдан соғиб олинган сут 2291 килограммни ташкил этган бўлса, Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг фермери Рустам Фаёзиев ҳар сигирдан 4398 килограмм, Сурхондарё вилояти Ангор туманининг фермери Камолитдин Валиев ҳар сигирдан 3900 килограмм сут соғиб олди.

Қишлоқда қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш, уларнинг сонини кўпайтириш ва шунинг ҳисобига янги иш жойларини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Вазирликда 9460 та қайта ишлаш корхоналари мавжуд бўлиб, шундан 1993 йилда 2250 таси қурилди, буларда 78433 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йилда 7,1 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Биз қишлоқ хўжалиқ ходимлари Президентимиз ва ҳукуматимиздан шу соҳани доимо қўллаб-қувватлаганлигидан, деҳқонларимизга кўпчилик турдаги маҳсулотларни эркин сотишга рухсат берганлигидан, имтиёзли кредитлар билан таъминлаётганлигидан, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини сотишда ҳуқуқларини кенгайтираётганлигидан мамнунмиз.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот ўзининг янги босқичига ўтмоқда.

Президентимиз И. Каримов иқтисодиётнинг айни аграр жабҳасида ҳозирги пайтда ғоят катта резервлар мавжудлигини эътиборга олиб, иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида шу соҳадаги муаммоларга жуда катта аҳамият бермоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида жуда катта ишларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз. Жумладан, амалдаги йилда серҳосил ва эртапишадиган пахта навларидан экишни ва бу соҳада илғор технологияларни кенгроқ қўллашни йўлга қўямиз.

Бу йил ҳаммаси бўлиб пахтачиликда 19 та нав экилади, умумий пахта майдонининг 25 фоизида «Фарғона—3», «Наманган — 77», «Юлдуз» навларини экмоқчимиз, бир хўжаликда битта нав ва бир туманда кўпи билан 2 та навни экишни режалаштираяпмиз.

Донга бўлган эҳтиёжни республиканинг ўзида қоплашни таъминлаш мақсадида 742 минг гектар суғориладиган майдонда ғалла экиш режасини бугунги кунда 645 минг гектарга бажардик, бу ўтган йилга нисбатан 359 минг гектарга кўпдир.

Биз бундан кейин ҳам Президентимизнинг мулкни хусусийлаштиришни тезлаштириш ва иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш ҳақидаги кўрсатмаларини бажара бориб қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантирамиз. Бунинг учун хусусий фермерлар, оилавий ижарачилар, ширкат гуруҳларининг иқтисодий мустақиллигини янада чуқурлаштириш, хўжаликнинг ички муносабатларини такомиллаштириш, уларнинг ишларига юқоридан аралашмаслик, раҳбарликнинг иқтисодий услубини кенгроқ қўллаш, даромадини ўзлари эркин тасарруф қилишига шароит яратиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Умуман бизнинг тутган йўлимиз — ҳукуматимизнинг халқчил ва изчил қарорларига суяниб, ҳалқнинг кенг қатламлари манфаатларидан келиб чиқиб, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни босқичма-босқич амалга ошириш ва шу йўл билан истеъмол бозорини тўлдиришдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ:

... Шу бўғин орқали бутун республика фаровонлик ва тўкин-сочинликка эришади. Деҳқон бадавлат бўлса, бутун республика бадавлат бўлади. Ҳозир биз ҳаммамиз қишлоқ ҳисобидан яшаётганимизни тан олишимиз керак.

● ҲИССАДОРЛИК УЮШМАСИ

НИЯТ—ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ

Муқим ЭРҲУЖАЕВ,
Чиноз туманидаги Муқимий номли чорвачилик ҳиссадорлик жамияти раиси.



«Йўл тушган» жамоа хўжалиги чорвачилик фермасини хусусийлаштирилган акционерлик жамоасига айлантиришга қарор қилинганига бир йил тўлай деб қолди. Ана шу давр мобайнида кўпгина ташкилий ишлар амалга оширилди, чорвачилик фермаси асосий воситалари, қорамоллар, техника, асбоб-ускуналар ва оборот маблағлари саноқдан ўтказилиб, уларнинг қиймати аниқланди. Чорвачилик фермасининг жамоаси ўртасида жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилишининг қарори кўриб чиқилди ва маъқулланиб ҳиссадорлик жамоаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг Низоми ишлаб чиқилди, ҳисса миқдори аниқланди ва бошқа ташкилий ишлар амалга оширилиб, бу ҳақда туман ҳокимининг махсус қарори чиқди. «Тадбиркор» акционерлик тижорат банки бўлимида ҳисоб рақами очилди. Жамоа хўжалигидан ўн йил муддатда тўлаш шарти билан 36,6 миллион сўмлик асосий ва оборот маблағлари олинди.

Умумий ишловчилар сони 24 кишини ташкил қилди ва ҳар бир кишига 1525 минг сўмлик асосий ҳамда оборот маблағлари тўғри келди.

Жамоа хўжалигидан ўтган йилнинг май ойида 291 бош қорамол, шундан 115 бош сигирлар сотиб олинган бўлса, уларнинг сони бугунги кунга келиб 331 бошга етказилди. Сигирлар салмоғи умумий қорамоллар сонининг 36,3 фоизини ташкил қилмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг «Модомики мулк давлат тасарруфидан чиқарилмас экан, тараққиёт ҳам бўлмайди», деб айтган сўзлари ғоятда тўғри бўлиб, бунга жамоамиз аъзолари яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Ферма жамоа хўжалиги ихтиёридан чиқарилгач ва ҳиссадорлик жамоасига айлантирилгандан сўнг ўтган 7 ой ичида 1992 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 7 тоннага, сотиш 2 тоннага, сут етиштириш 2 тоннага, сотиш 31 тоннага, ҳар сигирдан соғиб олинган сут миқдори 13 килограммга, ҳар 100 бош сигирдан бузоқ олишни 5 бошга кўпайтиришга эришдик.

Бундай ютуқларнинг замирида нималар ётибди? Энг аввало, жамоа аъзолари ўзларини мулк эгаси деб ҳис қилдилар, улар учун иш вақти деган тушунча ўз кучини йўқотди, ҳамманинг фикри-зикри молларни озиқлантириш, парваришлаш, маҳсулотни кўпайтириш билан банд бўлди. Озуқани талон-торож, исроф қилиш, хўжасизлик ҳолларига барҳам берилди. Рационда кўзда тутилган озуқа бирлигида ем-хашак сарфланди, ортиқча харажатлар бўлишига чек қўйилди, маҳсулотни ўзимиз тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Бу ўз навбатида унга эгалик ҳиссини кучайтиради, натижада маҳсулот ҳажми ва сифатига эътибор ортди.

Ўйлайманки, 1994 йилда жамоамиз аҳли ўтган йилдагидан ҳам яхшироқ меҳнат қиладилар ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сотишни кўпайтирадилар.

Республика ҳукуматининг бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш борасида олиб бораётган ишлари яхши натижалар бермоқда. Айниқса, Президентимизнинг иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ҳақидаги фармони бизнинг жамоамизни янада руҳлантириб юборди. Республика раҳбариятининг иқтисодий ислоҳот борасида олиб бораётган ишларидан мамнунмиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Келгусида мустақил Ўзбекистонимиз халқини чорвачилик маҳсулотлари билан тўла таъминланишига муносиб ҳисса қўшамиз.

● ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

ФЕРМЕР ЮРТНИНГ ҲАҚИҚИЙ ФИДОКОРИДИР

Деҳқонбой СОДИҚОВ,
Ўзбекистон туманидаги «Ғаннобод» ширкатлар уюшмаси «Чорвадор» фермер хўжалиги бошлиғи.

Жумҳуриятимиз мураккаб иқтисодий жараённи бошдан кечираётган шу кунларда тадбиркорлик билан оқилона иш юритиш мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқароси учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермерларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу ажойиб ғамхўрликларга теран кўз билан қараб, ҳукуматимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Фермер хўжалигимиз ташкил топганига бир йилдан зиёд вақт ўтди. Чорвачилик соҳасида, деҳқончиликда орттирган кўп йиллик тажрибаларимиз бу борада қатъий қарорга келишимда асқотди. Фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақидаги таклифим туман ҳокимлиги томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Айтиш мумкинки, бу борадаги режаларим ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Дастлабки ташкилий даврда кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келди.

Мен, авваламбор, ишни хўжаликнинг мустаҳкам пойдеворини яратишдан бошладим. Ширкат уюшмаси томонидан ажратиб берилган 8 гектар тошлоқ ерни оби-тобига келтиришнинг ўзи бўлмади. Даставвал, 2 гектар майдонда боғ барпо этдик. Қолган ерларни эса ем-хашак етиштиришга мослаштирдик. Молхона қурилишини ҳам оила аъзоларимиз билан ҳамкорликда олиб бордик.

Билим, тажриба, маҳорат йиллар давомида юзага келади. Чорвачиликда орттирган тажрибаларим бугунги кунда ўзининг самарасини бераяпти. Ҳозир қарамоғимизда 27 бош қорамол бор. Шулардан 15 боши соғин сигирлардир.

Бу йил 32 тонна сифатли сут етказиб беришга қарор қилганман. Йилни ёмон бошламадик. Дастлабки эришган ютуқларимиз чакки бўлмаётир. Йил бошидан буён жами 28 тонна сут соғиб олиб, шундан 20 тоннасини давлатга сотдик. Ҳар говмишдан бир ой давомида ўртача 280 килограммдан сут соғиб олдик. Кундалик соғиб олинган сут миқдори ҳар бир сигирга 9,2 килограммданга тўғри келаяпти. Биз бунга авваламбор соғин сигирларни илғор тажрибалар асосида парваришлаб, қатъий рацион асосида озиқлантириш эвазига эришдик.

Кези келганда бир нарсани айтиб ўтишни лозим топардим. Фермер деганда, кўз ўнгимизга бойлик кетидан қувиб, ўз манфаати йўлида меҳнат қилаётган кишилар келмаслиги керак.

Эл манфаати, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлиги учун меҳнат қилаётганимизни айтиб ўтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Оиламиз билан меҳнат қиламиз. Меҳнатимизга яраша тўқ-фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Лекин атрофимиздаги кишиларни ҳам унутиб қўймаяпмиз. Ўтган йили жумҳуриятимиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида туманимиздаги кам даромадли оилаларга ўз ҳисобимиздан 15 минг сўм пул ажратдик. Бу хайрли ишимизни бошқа ҳамкасбларимиз ҳам маъқуллашиб, бева-бечораларга баҳоли-қудрат мадад қўлларини чўзишди.

Жорий йилда олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз улкан. Хўжалигимизни янада равнақ топтириш, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлаш йўлида бор куч ва имкониятимизни сарфлаб, меҳнат қиламиз.

● ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ФЕРМА

ИШБИЛАРМОННИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

Қодир НАЗАРОВ,
Янгийўл туманидаги «Соҳибкор» деҳқон (фермер) хўжалиги бошлиғи.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш мақсадида республика ҳукумати ва шахсан Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуслари билан деҳқон (фермер) ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бизга кўрсатилаётган амалий ёрдам натижасида 1993 йилнинг август ойида Янгийўл тумани ҳокимлигининг қарори билан «Соҳибкор» деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил қилдик.

Хўжалигимизга 18 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, шундан 1,7 гектари узумзор, 2 гектари ёш олма боғи, 0,85 гектари олхўризор ва қолган 13,5 гектарида озуқабоп экинлар, сабзавот етиштирилади. Ҳозирги кунда 21 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Ўтган хўжалик йилида давлатга 2,4 тонна олма, 25 тонна узум, 5,5 тонна олхўри ва 23,3 тонна сабзавот сотдик.

Ундан ташқари, 9,7 тонна маккажўхори дони, 69 тонна макка пояси ва беда ўриб олинди.

Олинган соф даромад 4,4 млн. сўмни ташкил қилди. 1993 йилнинг декабрь ойида деҳқончилик-саноат тижорат банкидан 33 млн. сўм кредит олинди ва шу кредит ҳисобига 1та автомашина, 12 бош наслли гунажин, 4 бош новвос ва 1 бош от сотиб олдик. Хўжалигимизда 1 та Т—28 х4 маркали тракторимиз ҳам бор.

Президентимизнинг кейинги фармонлари биз фермерларни жуда ҳам тўлқинлантирди. Чунки эндиликда хусусий мулкнинг ҳимояланишига тўлиқ ҳуқуқли бўлдик, тадбиркорликни ривожлантиришимизга йўл очилди.

Фермер жамоа хўжаликларига республика раҳбариятининг эътибори кучаяётганлигидан жуда хурсандмиз. Яқинда матбуотда эълон қилинган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги Президентимизнинг фармонлари шундан далолат. Биз бу хайрли ишни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз.

● ШИРКАТЛАР БИРЛАШМАСИ

ДЕҲҚОНИ БОЙ МАМЛАКАТ БАДАВЛАТДИР

Худойқул ХОЛБЕКОВ,
Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли ширкатлар бирлашмасининг раиси.

Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ҳаётбахш аҳамиятга эга эканлигини тан олган ҳолда хайрли ҳаракатга биринчилардан бўлиб қўшилиб Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги паст рентабелли Қ. Раҳимов номли давлат хўжалиги 1993 йилда ширкатлар бирлашмасига айлантирилди.

Ширкатлар бирлашмаси деҳқонлари 1993 хўжалик йилида об-ҳаво инжиқликларини ўзларининг ишбилармонликлари билан мардонавор енгиб, 3003 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 8338 тонна юқори сифатли пахта хом ашёсини сотдилар ва вилоятда биринчилардан бўлиб режани бажарди. Шу билан бирга бошқа 13 турдаги, жумладан гўшт, сут каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш режалари ортиғи билан адо этилди.

Иқтисодий ислоҳотнинг илк самараси ўлароқ, 1993 йилда ширкатлар уюшмасида 1992 йилдагига қараганда гўшт ишлаб чиқариш 3 тоннага, сут етиштириш 12 тоннага, ҳар сигирдан соғиб олинган йиллик сут миқдори 31 килограммга, давлатга гўшт ва сут сотиш эса мос равишда 6 ва 40 тоннага кўпайди.

Ширкатлар бирлашмасида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида фермерчилик ҳаракатига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда бирлашмада чорва маҳсулотларини етиштирувчи 8 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бу фермер хўжаликларида қорамоллар сони 1993 йилда 230 бошга етказилиб, 1992 йилга нисбатан 60 бошга, гўшт ва сут етиштириш эса тегишли равишда 14,9 ва 65 тоннага кўпайди.

Бундан ташқари Қ. Раҳимов номли ширкатлар бирлашмасида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва қўшма корхоналар очишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Бу соҳага асосан 1990 йилда асос солинган бўлса-да, ҳозир уларнинг сони 13 тага етди. Тадбиркорлар раҳбарлик қилаётган бирлашмада жўжа очадиган инкубаторлар, бройлер кичик корхонасининг ўзида йилига 25—30 минг жўжа очирилиб, аҳолининг парҳез таомларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Бу соҳадан хўжалик 1,5 — 2 миллион сўм даромад олмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида аҳолининг ун ва мойга бўлган талабини қондириш учун шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

(Саҳифа материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлаган).

ХАТ ВА ҲАЁТ

Халқ айтгани ҳақ чиқар

МУШТАРИЙ:

...таклиф этади

РОСТМАНА ЎРМОНЛАР ЯРАТАЙЛИК

Ғаллаорол шаҳрида бўлганимда бир ибратли ташаббуснинг дарагини эшитдим. Шаҳардаги «Дўстлик» маҳалла аҳли шу йил баҳорда ҳар бир фуқаро камида беш туп дарахт кўчатларини экиб, кўкартириб, 1 сентябрда маҳалла кенгашига санаб топширишга аҳд қилишибди.

Дўстлик туманидаги «Дўстлик» ижара ширкатлар уюшмаси аъзолари эса ёғоч-тахтага муҳтожликка ўз кучлари билан барҳам бериш ниятида 12 гектар майдонда теракзор барпо қилишга киришганлар. Шу майдонга экиладиган 1 миллион дона кўчат қаламчалари хўжаликнинг ўзида тайёрланмоқда. Ҳар бир қаламча учун 10 сўмдан ҳақ тўланаётир.

Дарвоқе, она табиат ўлкамиздан ўз саховатини аямаган. Қуёш нури беминнат. Тупроқ серҳосил. Ҳавоси покиза. Суви шифобахш. Бу замин бағрига тушган ҳар қандай уруғ кўкариб ҳосил беради. Ҳар қандай қаламча азим дарахтга айланади.

Бироқ, назаримда, одамларимизда сал ҳафсала камдек туюлади. Бундай дейишимнинг боиси шундаки, ҳар йили республикамизда икки марта — кеч кузда ва баҳорда кўчат экиш ойликлари ўтказилади. Кўчаларга, йўл ёқаларига, боғларга турли хил дарахт ва гул кўчатлари экилади. Алоҳида дарахтзорлар яратилади. Шанбалик кунларида ҳам кўкаламзорлаштиришга эътибор берилади. Узоққа бормайлигу яқин йигирма йил ичидаги маълумотномаларни варақлаб чиқсангиз, Ўзбекистон тупроғига қадалган кўчатларнинг сони шу қадар кўпки, агар ўша кўчатларнинг 50 фоизи сақлаб қолинган тақдирда ҳам ўлкамизда бирор қарич бўш жой қолмаган бўлур эди... Ҳолбуки, уларнинг асосий қисми сувсизлик, қаровсизликдан ўша йили ёзга етмаёқ қуриб битади. Келгуси йилда эса ўша жойга қайта кўчат экиб, ўзимизни ўзимиз алдаб юраверамиз.

Менимча, бу нуқсонларга барҳам бериш учун республика миқёсида қурилишбоп дарахтлар етиштиришни кенг йўлга қўядиган давлат дастурини ишлаб чиқиш, уни моддий жиҳатдан қувватлаш тадбирларини белгилаш лозим. Токи хўжаликлар, қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари, мулкчиликнинг қайси шаклида ишлашдан қатъий назар, ўз эҳтиёжига яраша ёғоч-тахта тайёрлаш чорасини кўрса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Йўл ёқалари, каналлар, зовурлар ёқаларида, вақтинча фойдаланмаётган сувли майдонларда шу соҳа билан шуғулланадиган кичик корхоналар, деҳқон фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга моддий кўмак берилса, яқин йилларда ўлкамизда росмана ўрмонлар яратилади.

Раҳматилла ЮНУСОВ,
Жиззах шаҳри.

...танқид қилади

ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ...

Йўл азоби — гўр азоби, деган гап бор. Шу кунларда Касби туманидан Қарши шаҳрига қатновчи йўловчилар бу сўзларни тез-тез тилга олишадиган бўлишди.

Илгари туманнинг аҳоли зич жойлашган марказида яхшигина автобус шоҳбекати бор эди. Ёнида шинамгина бозорча, ошхона ва чойхона, магазин, маиший хизмат ва савдо расталари бўларди. Шу ердан вилоят маркази ва туман хўжаликларига мунтазам равишда автобус қатнарди. Қулайликдан ҳамма мамнун эди.

Нима бўлди-ю бозорча тугатилди. Шоҳбекат ҳам кўчириладиган бўлди. Ўз манфаатини ўйлаган қайси бир корчолоннинг «фикри-ғояси» билан шоҳбекат келиб-келиб туман марказининг энг чекка жойида, яъни аҳоли пунктидан чиқиш манзилида барпо этилди. Одамларга қулайлик яратиш, бир жойни обод қилиш ўрнига сунъий тарзда қийинчилик туғдирилди. Гавжум гўша харобага айланди. Билмадик бу билан Қашқадарё вилояти автотранспорт бирлашмаси мутасадди раҳбарлари нима мақсадни кўзлаган экан?! Улар гўё аҳолига қулайлик туғдирган бўлиб, 88-автобазадан туман марказидан чеккадаги шоҳбекатгача айланма йўлда қатновчи автобус қўйган бўлишди. Автобусни эса соатлаб кутишга тўғри келади. Шанба-якшанба кунларида умуман автобуснинг қораси кўринмайди.

Автобазадаги мушкул аҳволни ҳам тушунамиз. Ёнилғи, эҳтиёт қисмлар танқислиги... Оқибатда йўловчилар сарсон-саргардон. Айниқса, туман бозори, савдо марказига, ташкилот ва муассасаларига қатнайдиганлар қийналишаяпти. Болалар, кексалар, аёлларни айтмайсизми? Афсуски, аксарий туман ташкилотлари эски шоҳбекат атрофида жойлашган. Ижтимоий таъминот бўлимига йўли тушган фахрийлар ҳам бу нохуш аҳволдан рози эмас. Шоҳбекатга бориш учун анчагина йўл босишга тўғри келади.

Республикамиз ҳукумати аҳолига қулайлик яратиш учун кун сайин катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бундан биз ғоят миннатдормиз. Лекин, шундай бир пайтда айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бунинг тескарисини қилишаётганлигига ёқа ушлаб ачиниб кетасан киши. Сабабини англашга ақл бовар қилмайди. Балки азалдан мавжуд шоҳбекатни жойига қайтариш мумкин бўлар. Бу ҳақда туман ҳокимлиги ва автотранспорт бирлашмаси раҳбарлари обдан ўйлаб кўришар, деган умиддамиз.

Аҳмад МАЪДИЕВ,
Касби тумани қурилиш ва таъмирлаш участкасининг ҳисобчиси.

...миннатдорчилик билдиради

ДЕПУТАТГА ЁЛЧИБМИЗ

Мен Ёзёвон тумани «Қатортол» жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишлайман. Бултур пахтакорларимиз учун оғир келди. Шунга қарамай, хўжалигимиз йиллик режани ортиғи билан адо этди. Менинг ўзим «зангори кема» бункеридан 100 тоннадан ошиқ пахта тўкдим. Ёзёвон туманининг ўзига хослиги шундаки, атрофимиз қумтепалар билан ўралган. Деҳқончилик қилиш оғир. Ана шундай пайтда депутатимиз ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимовнинг кўмаги асқотди. У доим қолимиздан хабар олиб туради. Унинг кўмаги пахта терими пайтида айниқса сезилди. Тракторлар учун ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ўз вақтида олиб туришимизга ёрдам берди. Хўжалигимиз аъзоларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ҳам вилоят кенгаши депутатининг салмоқли ҳиссаси бор. Биз А. Мирсалимовдан миннатдормиз. Депутатликка яна у кишининг номзоди қўйилса, биз бажонидил овоз берамиз.

Алижон ФАЙЗИМАТОВ,
механизатор.



ҚИШЛОҚДА ТУН.

Абдулғани ЖУМА сурат-лавҳаси.

• *Таҳририсиз хат*

ОТАМНИНГ ОРЗУСИ

Ассалому-алайкум ҳурматли таҳририят аъзолари! Сизларга хат ёзишимнинг сабаби — менинг 95 ёшли отам бор. 1898 йилда туғилган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ўтган йилдан буён 1-группа инвалиди. Кўзи ожиз. Оилада 4 кишимиз: мен Абдуллаев Шукурулло 1965 йилда туғилганман, II-группа инвалидиман. 2 йилдан буён нафасим қисади. Хотиним 1972 йилда туғилган, ишламайди. 1989 йилда туғилган қизим бор. Биз неча йилдан бери горисполкомга, райисполкомга, райкомга бориб бизларга жой ёки ер участкаси берилишини илтимос қиламиз. Баҳорда келинг, ёзда келинг, қишда келинг деб неча йил ўтиб кетди. Мен-ку ҳалиям кутавераман, лекин отам — 95 ёшли кексa одам яна қанча кутиши мумкин? Эрта-индин ўлиб-нетиб қолсалар бу дунёда нима кўрдим деб кетадилар. Суғи меҳнатда қотган, 1942 йилда урушга кетиб 1945 йили Берлиндан ғалаба билан қайтганлар. Жонини аямай Ватан учун жанг қилган. Наҳотки умрини Ватан учун бахш этган одамга ҳеч бўлмаса 1 хонали уй топиб бера олмайди. Уйимиз жуда эски, деразамиз ер билан тенг бўлиб турибди. Фундаменти йўқ, шифери йўқ. Ёмғир, қор ёғса қаерга боришимизни билмаймиз. Ўтирган еримизда янтоқ ҳам ўсмайди. Бир туп дарахт йўқ — кўкармайди. Отам бўлсалар ҳалиям колхоз менга ер участкаси беради, икки хонали уй солиб, қолганига сизларга узум, ўрик, шафтолизор боғ қилиб бераман, деб юрибдилар. Отам ўша орзуларига етмай армонда кетадиларми, деб қўрқиб юрибман. Менинг ўзим ҳам ерни, она табиатни жуда севаман. Афсуски чўлда ўтирибмиз — фойдаси йўқ. Отам деҳқон, деҳқон бўлгандаям ер билан тиллаша оладиган деҳқон. Аввалари бировларнинг ерини экиб берардилар. Хоразмликлар билан тенг чиқararди помидор, бодрингни. Хўжайлида ҳамма ҳайрон қоларди отамга. Энди буларнинг ҳаммаси эртакка айланиб бораяпти.

Ҳурматли таҳририят аъзолари! Бизга ёрдам беринг, сизлардан ўтиниб сўрайман, бутун умидимиз сизлардан.

Шукурулло АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри, ВЛКСМ 30 йиллиги кўчаси, 57-уй.

Мактуб йўлга чорлади

ЁШЛИКДА ХАТО ҚИЛМА...

Ёшлик. Инсон умрининг гўзал палласи бу. Улуғ Алишер Навоий одамзод ҳаётини табиатнинг мангу ҳаракатига нисбат бериб, ёшлик фаслини «умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридир», деб таърифлайди. Ёки ҳамиша навқирон Ҳамид Олимжоннинг ўтли нафасини эсланг: «Энг гуллаган ёшлик чоғимда сен очилдинг кўнгил боғимда...».

Афсуски, ёшлик — поклик даврининг қадр-қимматига етмаслик хунук оқибатларга олиб келиши ёки нимадир сабабчи бўлиб инсон аччиқ қисматга йўлиқиши мумкин. Инсон умрининг баҳор даври турли ҳодисалар оқибатида хазон бўлган айрим ёшлар ҳақида кўрган ва эшитганларим «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига Шаҳрисабз туманидан йўлланган икки мактуб билан қизиқишга даъват этди. Ана шу мактублардаги сатрларни жиддий ўзгартиришсиз рўзнома саҳифасига олиб чиқиш ҳамда улар ҳақида мулоҳаза юритишга туртки берди.

ТАҚДИРМИ ЁКИ ҚИСМАТ?

— Мен илгарилари бундай хатларни ҳеч вақт ёзмаганман, — дея мактубни бошлайди Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли жамоа хўжалигининг Катта Мўминобод қишлоғида яшовчи Ҳамида Қудратова. — Азбаройи бошимга тушган мусибат мажбур қилди. Айни 21 ёшида бағритош инсонларнинг қилмиши туфайли мажруҳ бўлиб қолган ўғлим тақдирини ўйлаб қўлимга қалам олдим. Бу мактубни сиёҳ билан эмас, кўз ёшларим билан ёзаяпман. Ахир кўп вақтдан бери фарзандим — дилбандим тўшакда михланиб ётибди. Келинг, воқеа тафсилотини бир бошидан сўзлай. Менинг олти нафар фарзандим бор. Улардан икки нафари эгизак. Ҳасан ва Ҳусан. Ёшликда санъатга бўлган иштиёқи туфайли мен уларни Қаршидаги мусиқа билим юртига ўқишга йўлладим. Кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган ўғилларим республика санъат байрамида иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. 1992 йилнинг июнь ойида мусиқа мактабида ўғилларим Ҳасан ва Ҳусанни тажриба ўташ учун Шаҳрисабздаги «Сокол» оромгоҳига юборишган эди. 5 июль куни туш пайтида қаршилик Бобур Дияев деган ўсмир ҳамшира Мунира Ёровани ҳақорат қилади. Ҳасан Ашуров эса уларни муросага чақирмоқчи бўлган. Аммо воқеа кутилмаган ҳодиса билан тугайди. Бобур тўсатдан ўғлимнинг бошига қатиқ жисм билан уради. Натижада миясига қон қуйилади.

Ўғлим тунда операция қилинган экан. Қаршидан чақирилган врач Шайдулла Жўраевнинг билимсизлиги, уқувсизлиги, шошма-шошарлиги оқибатида куни-кеча гапириб турган ўғлим, кўрингки, мажруҳ бўлиб қолди. Хонани бошга кўтардим. Кошки фойда бўлса...

Шундан сўнг фарзандим дардига малҳам излаб Самарқанд, Тошкент шаҳри шифохоналарига қатнадим. Аммо нажот тополмадим.

Ўғлимнинг мажруҳ бўлишига сабабчи бўлган Бобур Дияев ҳозир таралла бедод қилиб юргандир. Наҳотки, одамлар бир-бирини шунчалик қон қақшатса? Бу тақдирми ёки қисматмикан?!

Биз ана шу мактуб мазмуни билан мутасадди ташкилотлар раҳбарларини таништирдик. Албатта, ҳеч ким зиммасига масъулият олгиси келмайди. «Ўтган ишга салавот» мазмунида гапиришди. Шаҳрисабз шаҳар касалхонасининг даволовчи врачи О. Сатторов томонидан берилган маълумотнома ва касаллик тарихидан кўчирмага кўра Ҳасан Ашуровнинг миясига қон қуйилганлиги жарроҳликни вилоят жароҳатларни даволаш шифохонаси врачи, тиббиёт фанлари номзоди Шайдулла Жўраев, Шаҳрисабз шаҳар шифохонаси нейрожарроҳлик бўлими мудири Сайид Ҳасановлар бажаришганлиги таъкидланган, холос. Бемор қандай қилиб оғир оқибатга тушиб қолганлиги, қон қуйилишининг сабаблари айтилмаган.

Туман прокуратурасидан берилган маълумотнома эса, суд-медэкспертизасининг 1992 йил 8 сентябрдаги хулосасига таянилган. Ўртада жанжал бўлганлигини Б. Дияев ҳам инкор этмайди. У терговда берган кўрсатмасида шундай дейди: «Тушки овқат пайтида ёлғиз ўзим ошхона ёнидан ўтиб, отрядга кетаётган эдим. Ашуров билан учрашиб қолдим. У билан илгари таниш эмас эдик. У менга «Бобур сенми?! деди. Мен «ҳа» деган эдим, у «нима учун медсестрага гапирдинг?» деди. Ашуров «медсестрага «5» қўймасдан «4» баҳо қўйибсан, агар иккинчи гапирсанг пешонангга «5» қўяман, деди. Шу пайт у ўнг билагимдан ушлаган эди, қўлини бўшаштириб қочдим. У «тўхта» деди. Орқамга қарасам Ҳасан йиқилиб ҳушсиз ётар эди. Сув олиб келиб сепдим. Лекин, у ҳушига келмади...» Шунақа гаплар.

Экспертиза операция тўғри қилинганлиги, Ашуров Ҳасанга бирор киши жароҳат етказмаганлигини қайд этган. Ана шу сабабли 1992 йил 30 сентябрда жиноий иш бекор қилинган.

Биз ҳам бирор томон айбдор, деган хулосадан йироқмиз. Аммо шамол бўлмаса дарахт шохи қимирламайди. Нима бўлганда ҳам юз берган ҳодисанинг сабаблари бор. Буни соғлиқни сақлаш муассасаси, суд-медэкспертиза ўз вақтида аниқламоғи, ҳуқуқ органлари воқеани ниҳоясига етказмоқлиги лозим эди. Минг афсуски, бундай қилинмади. Ёш йигит Ҳасан Ашуров эса бутун умр мажруҳ бўлиб қолди. Бу хатони тузатиб бўладими? Йўқ, албатта...

ХАЗОН БЎЛГАН УМР

«Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» дейилади ўзбек халқ мақолида. У бир-биридан чиройли, жажжи фарзандларининг отасиз, тирик етим бўлиб вояга етишини истамади. Эрини инсофга чақириш мақсадида кўп жойларга мурожаат қилди. Шу қадар хўрлик ва шармандаликка чидай олмаган Барно Пардаева охири ўз жонига қасд қилди. Ҳамма азобдан қутилди. Икки нафар норасида гўдак зор қақшаб қолаверди.

Биз Мироқи посёлка кенгаши котибаси Зулфия Аллаева ва участка катта инспектори Эргаш Жўраевлар га ушбу мактубни кўрсатдик. Улар таажжубдан ёқа ушлашди.

— Ахир бу Барно Пардаеванинг хати-ку, — деди Зулфия опа. — Ёпирай. 1993 йил 2 август куни ўз жонига қасд қилган эди. Ўзини тез оқар каналга ташлаган. Хатни ҳам ўша куни ёзибди-я...

«Мен сизларга ушбу мактубни йўллашдан олдин анча чуқур ўйладим ва ниҳоят дард-алам тўла юрагимни бўшатдим, — дея хатни бошлайди Пардаева. — Аслида кўп нарсага ўзим сабабчи, аччиқ тақдирим сабабчи. Зора, ушбу мактубни сингилларим ўқиб, улар ҳам мендек ҳаётда адашмасинлар. Мен бу мактубни ўлимим олдидан ёзаяпман.

Мен Пардаева Барно 1971 йилда «Социализм» колхозининг «Шакартери» қишлоғида туғилдим. 1989 йилда Алиев Бўрига турмушга чиқдим. Мана, беш йилдирки, ҳеч тинчимадик. Жуда қийналдим. Судга ҳам мурожаат қилдим. Улар уч ой муҳлат беришди. Лекин ажратишмади, балки ажратишганда яхши бўлармиди? Қисқаси охирги чорам ўз жонимга қасд қилиш бўлаяпти. Ҳозир титраб мактуб ёзаяпману, кўз олдимда болаларим. Уларга ким қарайди? Бундан кейин калтак азобига бардош беролмайман. Менга қўшилиб икки болам ҳам қийналиб кетди. Агар яхши одамлар ёрдам беришса, келажакда болаларим етук киши бўлиб етишар. Иккита қизим жоҳил ота қўлида қолмасин. Ҳеч бўлмаса яхши одамлар икки қизимни болалар уйига топширишар. Агар қизиқсанглар қолган гапларни қўшнилардан, ота-онамдан билиб оларсизлар, деб Барно».

1993 йил 2 август».

Ҳа, ўша куни Барно Пардаева ўзини Чоршанба каналига ташлаб, сувга чўкди. Мудҳиш хато қилди. Тўғри, ҳаёт деганлари мураккаб бўлади. Бир оғиз сўз ҳам инсон дунёсини остин-устун қилиб юборади. Барно Пардаева ҳам ана шу кўйга тушди. Уй-рўзғордаги оилавий жанжал бир инсон умрини ҳазон, гўдакларни етим қилди. Эҳтимол турмуш ўртоғи Бўри Алиев раҳмсиз муомала қилмаганда, вақтида қўни-қўшни, туман суди, хотин-қизлар кенгаши раҳбарлари масалага жиддий қараб, шундай нотинч хонадонлар билан астойдил шуғулланганларида эди, фожиа рўй бермаган бўлур эди.

Тириклигида бақадр бўлган, жонсиз танаси совумасданоқ Барнони ота-онаси олиб кетишди. Норасида гўдаклар Мафтуна ва Моҳинур ҳам ўзларига бегона бўлиб қолган бу хонадонни, зўравон отани тарк этишди. Бўри Алиев ўзи ёлғиз қолди. У қилган ишидан минг пушаймон. Аммо кўза синган, ғишт қолипдан кўчган эди. Энди у албатта, қилмиши учун жавоб беришга мажбур...

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Акс-садо

ҲАР ИШДА АВВАЛО ИНСОФ КЕРАК

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 11 январь сонида чоп этилган «Фарзандингиздан нолибсиз-а» сарлавҳали мақолани ўқигач, мен ҳам ўйланиб қолдим. Пул ўлсин, не-не одамларни қай куйларга солмайди, дейсиз. Пулга ҳирс қўйган кишидан иймон узоқлашади, одамгарчилик бегоналашади. Ҳаётни, одамларни кузатиб, шундай хулосага келганман.

Яқинда бир воқеани эшитдим. У ҳам худди газетада чоп этилган мақола мазмунига ўхшаб кетади. Воқеа бундай бўлган: Салим деган киши Тошкентдан бошқа шаҳарга ишга тайинланади. Бола-чақаси билан кўчиб кетиш арафасида унинг узоқ қариндошларидан Каримжон келиб, шундай дейди:

— То сизлар қайтиб келгунингизча шу ҳовлида биз тура-турсак, ҳар ҳолда у ёғ-буёғига қараб турардик, — дейди.

Салимжон бундай ўйлаб қараса, таклифда жон бор. Маъқул гап, дейди у. Ота-онамизнинг чироғи ёқиғлиқ бўлади.

Орадан уч-тўрт йил ўтади. Бир куни десангиз кучли ёмғир таъсиридами ёки ўзи нураб қолган эканми, кўча томондаги девор қулаб тушади. Салимжонга хабар беришади. У келгач, аҳволни кўриб, Каримжондан илтимос қилади:

— Ҳозир мен тўрт-беш кун бу ерда қолиб кетолмайман. Ўзингиздан қолар гап йўқ, экиш мавсуми авжи паллада. Сиздан илтимос, буёғини ўзингиз тўғриласангиз, қанча харажати бўлса менинг бўйнимга.

Шунга келишишади. Беш-олти минг пишиқ ғишт келтириб, уста-мардикорлар ёллаб, Каримжон деворни тиклайди. Кўча дарвозаси ишдан чиқиб қолган экан шу орада уни ҳам янгилайди. Бу ишлар 1989 йилда бўлганди.

Орадан кўп ўтмай пул қадрсизланиб кетди. Мана энди олдинбердини бир ёғлиқ қилайлик, дейишса иккаласи келиша олмай, анча-мунча паст-баланд гаплар бўлиб ўтяпти. Салимжон, шу йиллар орасида маош неча баравар ошган бўлса, қилинган харажатларни ҳам шунча баробар кўпайтириб тўлайман, деяпти. Каримжон эса йўқ, ҳозир минг ғиштнинг баҳоси 250-300 минг сўм, уста-мардикорлар ҳам шунга яраша, мана шу айтилганлардан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қиламиз, деяпти. Табиийки, бу Салимжонга оғир ботяпти. Ҳуллас, улар ҳозиргача бир фикрга келишолмай турибди. Қариндошлар орасидан ўтган қора мушук самимий муносабатларга раҳна солган.

Энди «Фарзанддан нолибсиз-а» мақоласида айтилган фикрларга келсак, Ҳамро Бўриев 1984 йилда акасининг ўғли Баҳромга машина олиш учун 5 минг сўм қарз берган. Омонатин ўз вақтида қайтара олмаган Баҳром пул қадрсизланган сайин унинг қайтаради. Бундан Бўриев норозин. У жилла бўлмаганда пулнинг уч минг беш юз сўмини ўн марта кўпайтириб қайтарсин, деб талаб қўймоқда. Шу ерда мақола муаллифи «Биз албатта тугал бир фикр айтишдан ўзимизни тиямиз», деб алоҳида таъкидлайди. Таажжуб, нега энди, ахир у холис киши бўлиши керак-ку? 1984 йилдаги пулини ўн баробар қилиб қайтаришни талаб қилаётган Ҳамро акада ҳали ҳам инсоф бор экан, деб ҳисоблайман. Баҳромжон: ичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур, деган гап бор халқимизда. Шулардан инсоф ва адолат тарозисига солиб қўйилаётган талабни Сиз инобатга оласиз, деб жуда-жуда ишонгим келади.

Юқоридаги икки воқеадан шундай хулосага келдим: имкони борича яқин кишилар бир-биридан қарз олмасин, борди-ю ҳаёт тақозоси билан бунинг иложи бўлмаса, омонат олган киши уни бисотини сотиб бўлса ҳам ваъда берган муддатида қайтариб бериши шарт. Акс ҳолда ўртага совуқчилик тушади, орадан меҳр кўтарилади, қариндошлик қадрсизланади.

Ш. ЮНУСОВА,
иқтисодчи.
Тошкент шаҳри.

• *Дил изҳори*

ҚОР ЕҒМОҚДА

Қор ёғмоқда ўйнаб ва яйраб,
Аччиқ аёз, мўри тутини.
Қиш келмоқда қиличин қайраб,
Забт этай деб ўзбек юртини.

Лекин менинг қуёшли ўлкам,
Сусайтирмас кунлар тафтини.
Оқ либосн эгнида унинг.
Тутиб турар, қишга кафтини.

Онажоним, оппоқ ҳар тараф,
Севдим мен ҳам қишнинг мулкини.
Лек баҳорнинг хаёли билан,
Яшаяпмиз бизлар ҳар куни.

ЗАЪФАРОН РАНГЛАР

Заъфарон бу ранглар, заъфарон,
Қуёшни яширган уфқдай.
Замнинга ёйилган илк дафъа
Юракка санчилган бир ўқдан.

Заъфарон бу ранглар, заъфарон,
Тоғу-тошда байроқли лола.
Орзусидан йиқилиб тушиб
Кўзларига ёш олган бола.

Заъфарон бу ранглар, заъфарон,
Ўзбекча ҳислатнинг акси, либоси,
Ҳаё деб қизарган қиз ёноғининг
Бир лаҳза ер чизиб қолган ибоси.

Тошпўлат ТУГАЛ.

НЕМИСЛАР ҚОДИРИЙНИ ЎҚИШЯПТИ

Йўқ, улар нафақат адибимиз Абдулла Қодирийни, балки ҳазрат Бобур, Чўлпон, Фитрат ва ҳатто бугунги кунда машҳур бўлмиш ўзбек ижодкорларини ҳам биладилар. Аслида мавзунимиз икки халқ ўртасида шаклланиб келган ва бугун ҳам ривожланаётган ҳамкорлик хусусида.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб унинг жаҳоннинг кўпгина давлатлари қатори Оврўпонинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири Германия билан ҳам бевосита иқтисодий-сиёсий ва илмий-маданий алоқалари тобора кенгая бошлади.

Албатта, ҳар икки мамлакат ўртасидаги бу алоқалар фақат яқин йиллардагина бошланмай, унинг илдизлари анча узоқларга бориб тақалади. Айниқса, 20-йилларда Германияда Бухоро ва Туркистон Жумҳуриятларидан бир қанча маҳаллий ўзбек, қозоқ, тожик, татар зиёлилари таълим олган. У ердан илғор Оврўпо илм-фан, техника сирларини ўрганиб қайтишди. Шундан кейинги йилларда ўлкамизда Ф. Шиллер, Гете, Гейне каби немис даҳо ижодкорларига бўлган қизиқишлар тобора ортиб борди. 80-йилларда Германияда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Эргаш Фозилов, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош Бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев, филология фанлари номзодлари Робия Абдуллаева, Асқар Алихўжаев, Зиёвиддин Тошев ва бошқалар ишлаб, сафарда бўлиб қайтдилар, тилшунос ва адабиётшунос олимларимиз германиялик касбдошлари билан жуда яқинлашиб кетдилар. Улар ўзбек, немис адабий-маданий алоқалари, немис адабиётининг ўзбек тилига таржималарини янада кенгроқ тадқиқ қила бошладилар. Қулаҳмад Ризаев Германиядаги ватандошимиз профессор Мурод Аҳмедов билан тиббиёт соҳасида амалий алоқа ўрнатди.

Германияда Ўзбекистонга қизиқиш қадимдан кучли бўлиб, бугунги кунда бурунги умумтуркий ёзма ёдгорликларимиз «Қутадғу билик», «Ҳибатул ҳақойиқ»лардан тортиб, Навоий, Бобур, Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари классик ва ҳозирги замон шоир ва адибларимизгача ўрганиш тобора кучайиб бормоқда. Сўнгги йилларда Гумбольт университети доктори Зигрид Клейнмихель, Вамберг дорилфунуни доктори Ингабург Балъдауф сингари туркийшунос немис олимлари ҳозирги ўзбек адабиёти, фольклори билан бирга шахсга сиғиниш даври қурбонлари бўлган ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари айрим номоёндалари ижодлари ҳақида ҳам мақолалар эълон қилмоқдалар. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг забардаст вакилларидан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Ҳудойбердиева, Омон Матжон, Азим Суюн, Усмон Азимов, Жамол Камол, Мирзо Кенжабек ва бошқаларнинг ижодлари билан қизиқмоқдалар.

• Ҳамкорлик уфқлари

Шу мақсадда 1993 йилда Германиядан Ўзбекистонга ташриф буюрган мазкур ҳар икки олима ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик институти олимлари профессор Иззат Султон, С. Мамажонов. Н. Владимирова, Т. Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Робия Абдуллаева, Тошкент Давлат дорилфунуни ўзбек адабиёти ва тарихчи олимлари билан ҳам мулоқотда бўлдилар. Германия дорилфунунларида умум туркийшунос ва ўзбек адабиёти бўйича олиб борилаётган илмий ишлар, у ердаги ўқув ва илмий иш тизимлари билан таништирдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси адабиётшунослари ва тарихчиларини Германия университети туркийшунос олимлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват қилдилар.

Бундан ташқари улар, бу сафар чоғида бир ойдан кўпроқ Хоразмда бўлиб, Хоразм халфалари ва бахшилари бўйича материал йиғишди. Хоразм Давлат дорилфунуни олимлари, шунингдек, Хоразм вилояти ҳокими Маркс Жуманиёзов билан ҳамкорлик суҳбатда бўлдилар. Олимлар Хоразм халқи фольклори ва ҳозирги кун ҳаёти билан яқинроқ танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Германияга сафаридан сўнг ҳар иккала мамлакатнинг иқтисодий, маданий ва илмий техника соҳасидаги алоқалари ҳар томонлама кенгайишига умид билдиради.

Улар олима Робия Абдуллаеванинг Хоразмдаги уй ҳовлиларида бир ой туришиб, олиманинг укаси Одилбек, синглиси Клара ва келини Нодирахонлар билан ҳам опа-сингил бўлиб кетдилар.

Уларнинг бу ерда жонли ҳовли шароитида яшашлари Хоразм халқ тили, урф-одати, маданиятини ва санъатини тезроқ эгаллашда ҳам қўл келди. Немис олималари бу сафарларида, Хоразм халфалари ва бахшилари ҳақида йиққан материаллари бўйича ватанларига қайтиш олдида Хоразм телевидениесида ҳам ўзбек тилида мароқли чиқиш қилдилар.

Немис олималари ҳам ўзбекистонлик дўстларининг ёрдамига ёрдам билан жавоб қилмоқдалар. Доктор Зигрид Клейнмихел хоним 1993 йил Ўзбекистон «Фан» нашриётида босилган «Адабиётларо умумийликнинг ўзига хосликлари» номли китобнинг босилишида ўзбек олимларига моддий жиҳатдан ҳомийлик қилди. Бу ҳақда Париза Мирзааҳмедова сўз бошида мазкур асарнинг майдонга келишида моддий мададкор бўлган таниқли олмон туркийшунос олимаси Зигрид Клейнмихелга муаллифлар номидан миннатдорчилик изҳор қилиши ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Бу сафар чоғида мен Берлин ва Гамбург дорилфунунларида бўлиб, у ерлардаги ўзбек адабиёти билан шуғулланаётган мутахассислар билан учрашаман, айни пайтда Олмония кутубхоналарида сақланаётган туркий ва форсий тилда битилган манбалар билан ҳам танишмоқчиман» — деди.

Шерали ТУРДИЕВ.

• *Маданият янгиликлари*

Шайхонтоҳур тумани маданият уйи қошида Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова, бастакор Неъматжон Қулабдуллаев, мусиқа раҳбари Салоҳиддин Тўхтасинов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон овози» фольклор этнографик дастаси туман ва шаҳар корхона ҳамда ташкилотларида, маданият уйлари саҳналарида, маҳалла клубларида ўзларининг ранг-баранг концерт дастурлари билан санъат шинавандалари олқишига сазовор бўлмоқдалар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» САҲНАДА

Ўзбек халқининг бой халқ оғзаки ижоди, ўлан ва лапарлари, миллий урф-одатлари намойиш этилаётган дастурлар зўр қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий меросни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, унда ота-боболаримиз орзу-умидлари, тилак ва истаклари, бугунгидай озод кунларга интилиш ҳисси мужассам эканлигини саҳнада намойиш этишни даста жамоаси ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

• Ўзбек тилим—жону дилим

БУ МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

Миллий тотувлик анъанасининг юксалиши учун тил муаммосига жиддий эътибор бериш, уни босқичма-босқич, эҳтиёткорлик билан, бошқа тилларда сўзловчи фуқароларнинг миллий ғурурига тегмаган ҳолда амалга ошириш керак. Тил — бу халқнинг ўзлигини, унда истиқомат қилаётган туб миллатнинг келиб чиқишини белгилаб берувчи омилдир.

Тил қонуни қабул қилинганига тўрт йилдан ошди, шу ўтган вақт ичида тил ва атамалар қўмитаси томонидан анча жиддий, таҳсинга лойиқ ишлар қилинди албатта, лекин бу қонунни ижро қилишда камчиликлар йўқ, дегани эмас. Рус тилида сўзловчи аҳоли орасида олиб борилаётган ўзбек тилини ўқитиш ишларининг сусайиб бориши ана шу камчиликлардан биридир.

Техника, қурилиш-меъморчилик, тиббиёт ва шунга ўхшаш фанларда ишлатиладиган луғат-атамаларни ишлаб чиқиш, уларни қисқа вақт ичида ҳаётга татбиқ этиш, қўлланмаларни яратиш республикамиз Фанлар академияси, вазирликларнинг илмий муассасалари учун долзарб вазифадир.

Кўпчилиги русий забон вакилларига мансуб бўлган таҳкилот, корхоналарда давлат тилини ўрганишнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан, махсус хоналар ажратиш, техник база—магнитафон, лингафон кабинетларини ташкил қилиш, плакат, кўргазмали қуроллардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш керак. Инглиз, немис ва бошқа тилларни ярим йил мобайнида ўрганишнинг тезлаштирган дастурларидан фойдаланиб, унга ижодий ёндошган ҳолда ўзимизникини ишлаб чиқишимиз керак. Жорий тилни ўрганиш ўқув методикасини қайта кўриб чиқиш, уни ҳар бир ташкилот, корхоналарда олиб бораётган ишнинг тизимига мос келадиган ҳолда олиб бориш лозим. Акс ҳолда эса у ҳаётдан узилиб, йироқлашиб кетади. Бошқа миллатлар тилини ўрганиш, унинг миллий, ахлоқий-маънавий, исломий қадриятларини ҳурматлаш каби тушунчаларни биринчи босқичда—боғча, мактабларда ўргатишни ташкил этиш лозим.

Она-Ватанимиз салоҳиятини умумбашарий юксакликка кўтарувчи бирламчи ёшлар уюшмаси (кашшофлар уюшмаси) иттифоқини ташкил этиш, унинг миллий рамзи бўлмиш байроғини, тамғасини ишлаб чиқиш, уни таълим-маориф системасига киритиш керак.

Вилоят ва қишлоқ туманларида рус ва ўзбек тилида таҳсил олаётганларнинг бир мактаб биносида таълим олиш тажрибасини шаҳар, пойтахт мактабларида татбиқ этиш, яхши самара беришини маҳаллаларда истиқомат қилаётган русий забон аҳолининг маҳаллий туб миллат тилини тез ўзлаштириб олиши мисолида кўрса бўлади.

Кейинги пайтларда эътибордан бироз четда қолаётган тил байрамини муассаса, корхоналарда кенг нишонлаш, унга ёзувчи, шоир ва санъаткорлар аҳлини таклиф этиш, дунё адабиёти дурдонасига ҳисса қўшган бобокалонларимиз Мир Алишер Навоий, Бобур, ҳадиснавис ватандошларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий ҳамда Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла ҳожи Ориф ва бошқалар тилини кўз-кўз қилиш, ҳурматини жойига қўйиш, тил ўрганиш бўйича танловлар эълон қилиш, деворий газеталар чиқариш, энди ҳафтанинг бир кунини эмас камида беш кунини давлат тилида сўзлашишга бағишлаш ҳамда ойлик сиёсий мулоқотларда тил билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яқинда матбуотда эълон қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги республикамиз қонунини таҳлил қилиб, кирилицани ўрганишни ва ундан фойдаланиш шароитлари сақланажагини оммага етказишни аниқ мақсад қилиб олиш яхши омиллардан ҳисобланади.

«Наврўз» тантаналаридаги наҳорда дастурхон тузаш, ош бериш, сумалак тортиш жараёнида барча миллат вакилларининг бир тан-бир жон бўлиб, ҳаракат қилишлари, улардаги миллий тотувлик, дўст-биродарлик ҳис-туйғусини оширишга хизмат қилади.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси ўзининг навбатдаги йиғилишида илк бор миллий истиқлол мафкураси ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасида партия ташкилотларининг вазифалари масаласини кўриб чиқди. Унда бу масалага жиддий қараш лозим эканлиги, чунки «Ўзбекистон шу республикада истиқомат қилаётган барча фуқаролар учун ягона давлат, мафкура эса миллатлараро тинчлик, тотувлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмаклашиши керак» деган фикрлар таъкидланиб, муҳим қарорлар ва уни амалга ошириш учун чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш иштирокчиси сифатида шунга шоҳид бўлдимки, бу масала вақтинчалик, бир-икки кунлик тадбир эмас, балки ҳамиша диққат-эътиборга молик масала бўлиб, тезликда уни вилоятлар, шаҳарлар ва туман партия кенгашлари йиғилишларида кўриб чиқилиши керак, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Қадимдан халқимиз бир-бирлари билан кўришганларида «Ассалому алайкум» унга жавобан «Ваалайкум ассалом» — уйингга тинчлик-хотиржамлик тилайман, сенга ҳам шуни... деган сержозиба, сеҳрли каломни ишлатадилар. Миллий тотувлик ва фуқаролар осойишталиги барқарор бўлган, партиямиз тутган сиёсатни тўғри олиб бораётган келажаги буюк давлатимизга нисбатан ҳам шу каломни ишлатгим, илоҳим истиқлолимизга кўз тегмасин, дея кўнгил изҳоримни билдиргим ва бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг икки қатор шеърий мисралари билан сўзларимни тугатгим келади:

Одам аҳли билингиз,
иш эмас душманлиг,
Ер ўлунг бир-бирингизгаки,
эрур ёрлиг иш.

Б. ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши иккинчи котиби.



Тоғлар қўйнидаги шаҳар — Ургутни кўпчилик мўъжизалар масканн, дейди. Бу гап бироз кўтаринки руҳда айтилган бўлса-да айни ҳақиқат. Чунки ургутликлар унутилаёзган қадриятларимизни, халқ меъморчилиги анъаналарини тиклашга чин дилдан киришганлар. Бу ерда қад ростлаган ва ростлаётган том маънодаги миллий маданиймаиший биноларни кўрган кишилар меъморлар меҳнатига тасанно айтиши турган гап.

Дарвоқе, истиқлол руҳи ва халқ ташаббуси билан бунёд этилган ушбу миллий меъморчилик ва халқ амалий санъати мажмуи учун ургутлик усталардан бир гуруҳи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. (юқорида) Ургутда бунёд этилаётган телемарказ кўринниши. 2. (пастда) Ургут бозори.

Суратқаш Абдулғани ЖУМА.

«ЎЗ ЮРТИМНИ ТАШЛАБ...»

● Ушбу сатрларни битганда бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур не-не изтироблар оғушида қолгани кўпчиликка аён.

Не бахтки, унинг ҳиндистонлик авлодлари истиқлол кунларида мустақил Ўзбекистонни—боболари юртини кўришга муяссар бўлдилар. Ҳайдаробод шаҳридан республикамизга келган истеъдодли журналист, тарихчи Зиёвуддин Тусий, унинг укалари Масеҳиддин, Шажойиддин кўҳна ва навқирон Самарқандга ҳам ташриф буюрдилар. Бобур юрган йўллар орқали кўҳна обиданларни томоша қилдилар, бу ўлка тароватига, халқнинг меҳнатсеварлигию меҳмоннавозлигига, тарихий меросга муҳаббатига таҳсин ўқишди.

Т. ФАРМОНОВ.

• Ажаб савдолар

Қор ёққанига анча бўлди. Йўллар музлаб ётибди. Манзарага қараб ёшлик эсга тушади. Кўча музлаган кун байрам эди. Товони ейилиб кетган этикда роса сирпанардик. Кийим-бошимиз шаллабо бўлиб қоларди.

Бу ерда эса сал ғалати манзара. Ҳаммаёқ қор. Маза қиладиган шароит. Аммо сирпанчиқ ўйнайдиганлар кўринмайди.

— Ҳозир танаффусми ўзи? — сўраймиз муаллимлардан.

Улар бош ирғаб тасдиқлашади.

Ишонгинг келмайди. Шу мактабда мингдан ортиқ бола ўқишига. Ҳаддан зиёд сокинлик. Кўпчилик бор жойда буям ярашмас экан.

Дарс ҳам тугади. Мактаб дарвозаси олдида суҳбатлашиб ўтирардик. Кўзим тўп-тўп бўлиб уйига қайтаётган болаларнинг оёғига тушди. Ўтаётганларнинг кўпи ёзги пойабзалда. Бирови бўлса кирза этик кийиб олибди. Отасиники ё акасиники.

Ўқувчиларнинг қорбўрон ўйнамасликлари, танаффусда ташқарига чиқмасликлари сабабини англагандек бўламан.

— Мактаб ёшидагиларнинг кийим-бошини топиш муаммога айланди. Қайси ота-онага учраманг, зорланади, — дейди Абдулла Қодирий номидаги мактабнинг жисмоний тарбия муаллими Ҳасан Худойқулов. — Болалар топганини кийишяпти. Бошқа иложи йўқ.

Бошланғич синф ўқувчилари овқатланишга чиқишди. Болаларнинг бир қисми чопон кийиб олган. Бундай қараганда уни миллийликка, урфга йўйиш мумкин. Аслида эса ундоқ эмас. Айрим ота-она пальто тополмаганидан ўғлига чопон тикиб берибди. Айрим қизлар эса чопон кийиб олган. Улар тенгиларнинг баъзиларида «Ламбада», «Жимининг кўз ёшлари», «Изаура», «Мариана»дан тикилган ўн жуфт кўйлаги бор. Ҳафтада янги пальто кияди. Булар эса...

Баъзи болаларнинг сумкалари йиртилиб кетибди. Чунки бир-икки йил ичида Оммағон, Камар Хитой, қишлоқлари савдо дўконларида сумка сотилган эмас.

— Тўрт фарзандим мактабга қатнайди. Илгари селаман Йўлчи Хўжамовнинг. — Оёқ кийими. Иссиқ пойабзал, этик йўқ. Мажбур бўлинганидан боламга чопон тиктириб бердим. Материали ҳам оддий. Яширмайман, Шуларнинг дастидан ўтирсам ҳам, турсам ҳам, эй худо, қор ёғмасин, дейман. Ёғингарчилик бўлган кун уйда жанжал. Боланг «оёғим яланг, эгним юпун», деб турса азоб экан.

Қишлоқ аҳли энди нима қилишни билмай, фарзандига кийим-бош топиш йўлини қидираётган бир пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жуда ўрнига тушди. Боши қотган ота-онага «фуқаролар!нинг товарлар келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилсин»... деган йўл-йўриқнинг ўзи кифоя. Ўзидаги тадбиркорлик қобилиятини намойиш эта олмаётганлар қанча эди қишлоқда. Насиб этса энди яхши бўлади. Аммо шу кунгача савдонинг оқсаб қолган томонлари бор эди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 12 ёшгача бўлган болаларга 50 фоизли кийим-кечак, пойабзал берилиши шарт. Лекин Шаҳрисабз туманининг «Ҳисор» жамоа-ширкат хўжалигида гўдаклардан бунн қизғандилар. Болаларнинг қарийб ярмига яқини ҳалиям пайпоқ, кўйлак, шим, оёқ кийими олгани йўқ. Жон бошига ажратилган уч метр матоям текканга текан, тегмаганга...

— Уч нафар фарзандимга пойабзал, кийим-кечак олишим керак эди, — дейди Ж. Муродов. — Далада ишлайман, Вақтим бўлди, дегунча дўконга югураман. Ёз ўтди, қиш кирдиям—йўқ. Ҳатто пулигача тўлаб қўйдим. Илгариги сотувчилар бўшаб кетишган ҳозир. Билмадик энди, болаларимизга устбош тегадими, тегмайдими?

Болаларнинг миқдор кийимлари берилмагани устига устак эркин нархдаги пойабзалларни икки йилдирки, дўконларда кўрмадилар. Оёқкийим бўлимларини чанг босиб ётибди. 31- ва бошқа дўконларда ҳам қачон этик, иссиқ пойабзал сотилганини халқ эслолмади. Натижаси эса маълум.

Айниқса, тақсимот чатоқ. Тошкентда қора чой ичишади. Вилоятларда кўкидан. Лекин пойтахт дўконларига вагонлаб кўк чой туширишлардан ким манфаатдор экан? Қишлоқ аҳли эса қора чойдан безор. Ёки буям дўконларни тўла ушлаб туриш тадбиримикин?

Бешқайрағоч, Себзор томондаги дўконларда ва бошқа савдо шохобчаларига киринг. Пахтали шим, пахтали коржомалар сотилмай ётган пайти кўп. Умрини тоғтошга ошна этган чўпон эса шу кийимларга зор. Қишлоқдаги ёғинли-сочинли кунларнинг «кўзини» резин этиклар «ўяди». Уни излаб тополмайсан, Чунки унинг минглаб жуфти катта шаҳарлар дўконида қалашиб ётибди.

Қишлоқлардаги савдо шоҳобчаларида хорижнинг костюм-шимлари йиллаб осиғлиқ туради. Пули қиммат. Дала меҳнаткашибоп, оддийлари эса Тошкентда мўл.

Таққослайверилса, таққосланадиган томони кўп. Истаймизми, йўқми савдодаги тақсимот масаласи кўриб чиқилмаса бўлмайди. Гавҳар ҳам керакли жойида гавҳар. Зарурати бўлмасада, буюм, озиқ-овқатларни тиқиштириш бозор иқтисодиётининг йўриғига тўғри келармикин? Йўқ!

Тақсимот ўлда-жўлдалигиданам қишлоқ боласининг оёғи яланг, эгни юпун. Ўшандан-да, Шаҳрисабз туманидаги Қори Ниёзий, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Абдулла Қодирий номидаги мактабларда ёғингарчилик кунлари давомат пасайиб кетади.

...Ортга қайтдим. Боягина бошлаган қор оқариб қолган. Яна нечта ўқувчи мактабга боролмаслиги-ю бундан бечора ота-она қандай азоб чекишини ҳис қилган бўламан. Рўпарамдан чиққан киши ҳаёлимни бузади. Қўлидаги ботинкага термуламан. У ўнғайсизланади.

— Иккинчи марта яматиб келяпман. Уялганимдан ўзимизнинг устага кўрсатмадим. Шаҳарга бордим. Аксига олиб яна қор ёғаяпти...

ҚУРБОН АЛИ.
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ТАҚСИМОТ БУЗИЛГАЧ...

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

КОНСТИТУЦИЯ ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

БОННН. Германия Федератив Республикаси Бундестаги мамлакат конституциясини ислоҳ қилишга киришди.

Ислоҳотдан асосий мақсад иккинчи жаҳон урушидан сўнг иккига ажралиб қолган йирик давлатнинг бирлашиши натижасида пайдо бўлган муаммолардир. Конституция муҳокамасида парламентда ўз ўрнига эга бўлган барча партияларнинг вакиллари иштирок этмоқда, деб хабар беради Германия Ахборот Маҳкамаси.

МАВЗУ — РОССИЯГА ЁРДАМ МАСАЛАСИ

ТОКИО. 11 февраль куни Япония Бош вазири Морихиро Хосокава Америкада АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашади. Муҳокама қилинадиган мавзулардан бири Россияга ёрдам масаласидир.

Эн-Эйч-Кей Япония телерадиоэшиттириш корпорациясининг хабарига кўра, М. Хосокава америкалик сиёсатшуносларнинг сўнгги пайтда Россияда юз берган сиёсий ўзгаришлар Япония ва Россия ўртасида кўпдан буён давом этиб келаётган ҳудудий муаммонинг янада чигаллашувига сабаб бўлади, деган таҳминларини рад этди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНАДИ

ПРАГА. Чехия Бош вазири Вацлав Клаус расмий ташриф билан Исроилга келди.

Чехия билан Исроил ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1967 йилда узилиб қолган, 1990 йилнинг февраль ойидан бошлаб ўзаро муносабатлар ҳар икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида тикланган эди. Чехия Бош вазирининг Исроилга сафаридан асосий мақсад икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашдир, деб хабар беради Чехия Ахборот Маҳкамаси.

САЙЛОВГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

ЙОХАННЕСБУРГ. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, шу йилнинг 26—28 апрель кунлари Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган, мамлакат тарихида биринчи марта қора танлилар иштирок этадиган сайловни ёритишда дунёнинг турли мамлакатидан тахминан 2000 нафар журналист иштирок этади.

Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси Жанубий Африкага энг катта матбуот гуруҳини — салкам 100 нафарга яқин журналистни юбормоқчи. Буюк Британиянинг Би-Би-Си радио ва телекорпорацияси 50 та журналист юборишни режалаштирган. Ҳозирданоқ мамлакат пойтахтидаги барча меҳмонхоналар апрель ойининг охиридан май ойининг бошигача банд қилиб қўйилди.

ЕНИЛҒИ МУАММОСИ

БЕЛГРАД. «Югославия авиатранспорти» бирлашмасининг самолётлари ёнилғи етишмаётганлиги сабабли қийин аҳволга тушиб қолди.

Сербия ҳукумати керакли ёнилғи билан таъминлашдан бош тортди. Натижада авиакомпания ички йўналишлардаги парвозлари сонини камайтиришга мажбур бўлди. Компания раҳбарлари тез кунларда мавжуд муаммонинг ижобий ҳал этилишига умид билдирмоқдалар, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

БРЮССЕЛЬ. Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида мўъжазгина Люксембург мамлакати аҳолиси харид имконияти бўйича биринчи ўринда туради.

Улардан сўнг французлар, бельгияликлар ва данияликлар туришади. Европа иттифоқи статистика марказининг маълумотларига кўра, Германиянинг бирлашуви мамлакатни бу борада бешинчи ўринга тушириб қўйган. Олтинчи ва еттинчи ўринни эгаллаб турган Португалия ва Греция аҳолисининг ўртача харид имконияти Люксембургликлардан икки баравар камдир.

ТОМОНЛАР КЕЛИША ОЛИШМАЯПТИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон кашмирлик сиёсий раҳбарларни озод қилмай ва бу ердаги аскарлари сонини камайтирмай туриб, Жамму ва Кашмир билан боғлиқ ҳудудий муаммо масаласида музокаралар юритиши фойдасиздир, деди Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Исломободда журналистларнинг саволларига жавоб бериб.

Бу билан Покистон ўзаро музокаралар йўлини беркитаётгани йўқ, балки инсоний ҳуқуқлари чекланаётган халқни ҳимоя қиляпти, холос. Кашмир ўз-ўзини бошқариши керак, деди у.

Ҳиндистон ҳукумати эса Покистон Бош вазирининг Кашмирда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётгани ҳақидаги фикрларини рад этди. Қамоққа олинганлар бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан қуролли террорчилардир. Улар бу ерга Покистондан юборилган, деган фикр мавжуд, деб хабар беради Ҳиндистон ахборот маҳкамаси.

[Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди].

янгиликлар Воқеалар хабарлар

• МИЛЛАТ РУҲИ •

ҚУЁШ ҚАЙТИБ ЧИҚАВЕРАДИ...

«Салимбойвачча...» Марат Азимов...

Секин сўрайман:

— Кўринмай кетдингиз?

У ўша, ҳа, сизу-бизни бир замонлар экран қаршисига михлаб қўйган «Қутлуғ қон» видеофильмидаги ролидагидай беўхшов куладида.

— Шу осмон остида юрибмиз... деб қўяди.

Сўнг... «Салимбойвачча»ни гурунгга чорлайман:

— Марат ака, мухлис халқи қизиқ-да. Уч-тўртта роль ўйнаган ёки қўшиқ айтган актёр ёхуд ҳофизни кўриб қолса бир-бирига шивирлаб «анаву-ку» деб юради. Тўғриси, кейинги ўн йил орасида сиз актёр сифатида кўринмадингиз. Лекин шундаям кўча-кўйда кўриб қолсак, ана «Салимбойвачча» дердик. Ё нотўғрими?

— (Кулади.) Албатта вақт ўз ҳукмини одамга ўтказаркан. Ундан тониб кетолмаймиз. Бундан уч-беш йил, борингки ўн йил аввал ҳам кўчада «Салимбойвачча» эдим. Шукрки, Ўзбекистоннинг қай бир бурчига борсам танишарди.

— Биламан, видеофильм телевизорга чиққан йиллари катта шов-шув бўлиб кетди. Барибир, томошабин истайсизми-йўқми ролларни яхши-ёмонга ажратади. Шу маънода Салимбойвачча...

— Салбий роль эди, одамлар ёмон кўрарди, демоқчисиз-да. Тўғри, гоҳо кўпларнинг мени таниб қолиб ортимдан кулиб қўйишганининг гувоҳи бўлганман. Ҳатто ўзимча ўксинганман ҳам. Бир куни Эски шаҳарга — бозорга тушдим. Дўконларда ул-бул нарса сотаётган қиз-жувонлар ярим ҳазил, ярим чин маънода «Бу ўша Салимбойвачча, унга ҳеч нарса бермanглар» деб киноя ҳам қилишган. Яна бир воқеа ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Ишчилар шаҳарчасидан Себзорга уй олганимиздан сўнг кўчдик. Катта ўғлим Успенский номидаги мусиқа мактабида ўқирди. Кейин 22-мактабга ўтказдим. Мактабга бориб унинг ҳужжатларини топшириб келдим. Ҳамма болалар, муаллимлар кўриб қолиб танишди. Бир куни ўғлим уйга кира солиб қўлидаги сумкани улоқтириб, ҳўнграб юборди. «Нима қилардингиз ўша Салимбойваччани ўйнаб! Ҳамма устимдан кулди. Шуни ўғлимисан ҳали», деди. Мен уни юпатдим. Ўзимча «Хўш нима қипти, бу кино-да, энди», десам у ҳеч кўнмайди. Бу билан у аввало ўз болалик исёнини ошкор қилиб қўйган бўлса, иккинчи бир томони, ўзининг бу ролдан нафратланганини сездирди. Бу менга ҳам таъсир қилди.

— Ҳар қандай соҳа одамларининг, айниқса санъат кишиларининг ҳаётларида битта бурилиш нуқтаси бўлади. Шу маънода суҳбатни сизни эл-юртга танитган «Салимбойвачча»дан бошласак.

— Тўппа-тўғри, актёрлик фаолиятимнинг энг юқори чўққиси шу роль. У мени халққа танитди. Ҳалиям ўша фильм чиққан кунларни эсласам кўнглим тоғдай кўтарилади. Кейинги баҳс-мунозаралари айтмайсиз. Бу артистлар олдида кўп галати воқеалар бўлади. Бирон ролинг яхшироқ чиқса борми, ярми мақтайди, ярми сўкади. Барибир, энди яна қайтадан роль ўйнасам Салимбойвачча бўлолмайман.

— Бу ролни ўзингиз танлаганмисиз ё биров таклиф қилганми?

Ҳали Ўзбекистон телевидениесида видеофильм олинмаган. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини шу байрам шарафига экранга чиқариш мўлжалланган. Видеофильм суратга олинаётганда радиода қайсидир бир спектаклни ёзаётган эдик. Теша Мўминов келиб қолди. Кулимсираб «Марат, Йўлчини менга беришди» дейиши биланоқ ҳаммамиз табрикладик. «Гулнорга иккита қизни синашяпти. Билмадим, қай бири маъқул тушади, бу ҳали номаълум деди. Бироздан сўнг Салимбойваччани беришди» дедим. Эшитганларнинг кўпчилиги хурсанд бўлди. Шунда бирови «Э, бу роль сенга бўлмайди. Биласанми, у қандай образ? Зикир ака, Пўлат акалар зўр ўйнаб қўйганда. Сен ўйнолмайсан» деди истеҳзо билан. Менга мана шу гап жуда таъсир қилди. Аламим келди. Шу-шу бўлдю, режиссёр Мели Маҳкамовнинг ҳар бир топшириғини қулоқ қоқмай бажардим.

Биринчи тажриба. Аввалари эсингизда бўлса ҳар ҳафтанинг душанбасида ойнаи жаҳонда спектакллар бериларди. Лекин ҳозиргидай, дастлаб лентага кўчирилмасдан тўғридан-тўғри экранга чиқариларди. Аммо жуда қийин эди. Негаки роллар «тирик» ўйналарди. Кўпинча «Ҳамза»нинг актёрлари таклиф қилинарди. Мен ҳалигача армон қиламан. Жуда зўр чиққан телеспектакларнинг аксарияти лентага кўчирилмаган. Буюк актёр, раҳматли Олим Хўжаев ўйнаган «Бухоро», «Ҳаёт шоми» телеспектакллари ҳозир йўқ. Ҳайрият, Шукур ака ўйнаган «Шоҳ Эдип» ва «Қиёмат қарз»ларнинг тасмалари сақланиб қолди. Яқинда кўрдик. Одам эзилиб кетади. Шундай роллар ҳам яратиш мумкин экан-а! Уларни соғинасан киши. Олим ака, Шукур ака, мана бугун Наби ака, Сора опалар билан бирга роль ўйнадим.

— Актёрликка болалигингиздан бошлаб қизиққанмисиз?

— Албатта. Оиламизни ҳеч иккиланмасдан санъаткорлар оиласи десам хато бўлмайди. Дадамни Ғафур Азимов дер эдилар. Уста Олим Комиловнинг биринчи шогирди бўлган. Яхшигина сўзанда эди. Доира чаларди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони ҳам бор эди. Филармонияда умрларининг охиригача ишладилар.

Бизнинг уйимизга жуда кўп таниқли актёрлар, санъаткорлар келиб туришарди. Уларнинг бугун ярми ҳаёт, ярми ўтиб кетишди. Нима десам экан, катта даврларнинг, катта санъат соҳибларининг гурунг, ҳазил-мутойибаларини кўп тинглаганман. Чой келтириш баҳонасида ичкарига кириб олиб, бир чеккага ўтириб, жимгина қулоқ солардим. Отам жуда меҳмондўст, қўли очиқ, дастурхонли инсон эдилар. Доим уйимиздан меҳмон аримасди. Эшигимиз қулфланганлигини сира эслолмайман.

Дадам Тамарахонимнинг ансамбли билан ярим дунёни кезиб чиққан. Жаҳоннинг эллик олти давлатини кўриб келганлар. Улар уч ой Тошкентда бўлса, қолган пайтлари сафарда юрарди. Қайтиб келган кунларидан бошлаб то навбатдаги сафарга кетгунларича уйимизда тўй эди. Шу гурунгаштакларнинг ҳавоси юққан экан-да, укам Ҳасанбой дадамнинг изидан бораяпти. «Шодлик» дастасида доирачи. Дилмурод Исломов, Одил Камолхўжаевлар дадамнинг шогирдлари. Актёрликка мактабда қизиқдим. Кейин армияга кетдим. Сўнг яна «Ҳамза» театрига бориб юрдим. Раҳматли режиссёр Тўла Хўжаев институтга кириб ўқишимни айтди. Ўзлари институтда кафедра мудири эдилар. Сора опа курс раҳбари эди, «бор, ёрдам берамиз» деди. Шундай қилиб, театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирдим. Христофор Кожевников деган домламиз бўларди, Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева саҳна нутқидан сабоқ берардилар. 70-йили ҳақиқий актёр сифатида «Ҳамза»га диплом билан кириб келдим. Курсдошларим Саидкомил Умаров, Ёдгор Саъдиев, Жамшид Зокиров билан бирга келганмиз. Битта курсдан шунча актёрни катта театрга ишга олиш

«Ҳамза» кинофильмида синов учун ўйналган роль.

ганман. Кейин Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» асаридаги Оқйигитни беришди. О, жуда зўр образ-да! Ўша Оқйигит менинг актёр бўлиб шаклланишимда жуда катта ўрин эгаллаган. Кейин «Рўйхатларда йўқ эди номи», Шиллернинг «Қароқчилар»ида ўйнадим. Ўша пайтлари театримизда Гинзбург бош режиссёр эди. Кейин Галин ишлади. Улар оламдан ўтгач, ёш иқтидорли режиссёр Баҳодир Йўлдошев билан бирга ишлай бошладик. Иттифоқдаги академик театрлар орасидаги энг ёш бош режиссёрлардан бири шу киши эди. 26 ёшида режиссёр бўл-

«Қорақум» телеспектаклидан бир парча. Теша Мўминов — оқ гвардиячи полковник, Марат Азимов — оқ гвардиячи штабс-капитан.

камдан-кам бўладиган воқеа эди. Азбаройи таниқли актёрлар бизга ишонганларидан энг мураккаб ролларни тошириришарди. Бизлар ҳам шу ишончни оқлаш учун ўлиб-тирилиб кеча-кундуз тинмай ишлардик. Ана шу меҳнатларнинг самараси бугун кўриниб турибди. Шу йигитлар Ўзбекистоннинг энг етакчи актёрларига айланишди.

— Биринчи ижро этган ролингизни эслайсизми?

— Эсдан чиқармиди? Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» асаридаги Қўрқмас роли бўлган. Ўзи ролим Қўрқмас бўлса ҳам мен уни қўрқиб бажар-

ҳам ишлаб кетса эсидан чиқмайди. Бу ерни ҳеч бир муболағасиз Академия десам, янглишмайман.

Узр, бу билан ҳеч бир театрни камситмоқчи эмасман. Болаларим кечқурунлари бирон спектакль кўриб қолса, билинади-да, «Ҳамза» театри артистларини бирдан танийди. Мана, мен Москвада Малий театр қошида режиссёр-стажёр бўлиб ишлаб келдим. Уларда Бабочкин, Игорь Илинскийлар мактабини, театрини кўрдим. У ёқда ҳам театрлар кўп. Лекин Малий театрнинг ўзига хос анъаналари бор. Ўз йўналиши, ўз драматургияси, ўз муаллифлари бор. Биласизми, эскитдан бу театрни Островский театри дейишарди. Ҳақиқий рус ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб асарлар қўйилган. Тўғри, бу ерда чет эл ёзувчиларининг асарларини ҳам саҳналаштиришди. Лекин булар муваффақиятсиз чиқди. Елишмади. Бўлмаса, ўша ҳамма биладиган яхши артистлар ўйнади. Биз ҳам шу нуқтаи назардан қарагандa бошқа театрлардан ўз йўналишимиз, анъаналаримиз билан ажралиб туришимиз керак.

— Кейинги пайтда саҳнада деярли кўринмаяпсиз? Нима, актёрликдан кўра режиссёрлик осон эканми?

— Йўғ-е, санъаткор учун меҳнатнинг оғир-енгили йўқ. Режиссёрликка уринишимнинг сабаби, бу аввалдан теккан «дард». Баҳодир ака билан ишлаган пайтларимизда у кишига жуда ҳавас қилардим. Негадир менга унинг режиссёрлик дунёси қизиқарли ва сирли туюларди. Агар Баҳодир Йўлдошев бизнинг театр саҳнасида 35 га яқин спектакль саҳналаштирган бўлса, шунинг 27 тасида ёнида туриб ассистентлик қилдим. Дўстларим, ҳамкасбларим дубляжга ёки кинога, телевиденнега кетса мен театрда қолардим. Режиссёрларни ҳол-жонига қўймай иш ўрганардим. Охири, яна институтга кириб режиссёрлик дипломини олиб келдим. Чунки бизда аввалари формализм деган «касаллик» бор эди. Дипломинг йўқми, режиссёр бўлиб ишлама, дегандай. Бугун вазият бошқача, ишнинг кўзини биладими, ишониш керак.

Ўзим саҳналаштирган спектакларнинг қай даражада чиққанини айтолмайман. Фарҳод Мусажоннинг «Нажот истаб», Шукруллонинг «Унсиз фарёд», Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ», Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини», Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», Салоҳиддин Сирожиддиннинг «Фиғон» асарларини саҳнага қўйдим. Мана, яқин орада машҳур адабиётшунос-драматург Фитрат домланинг «Абулфайзхон» асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этамиз.

— Марат ака, бирор кинода ҳам роль ўйнаганмисиз?

— Мен умримнинг ярмини шу театрга бағишладим. Бундан сира ачинмайман. Рост, киноларга, дубляжларга чақиришган. Боролмаганман. Театрдан айрилиб кетолмадим. Ҳамма нарсадан театрни устун қўйганим боис ҳам шундай бўлди. «Абу Райҳон Беруний», «Ҳамза» кинофопеяси, «Унинг исми Баҳор эди» киноларида синов учун тушганман.

— Умуман, бир санъаткор сифатида айтинг-чи, актёрликнинг юки оғирми ё режиссёрликнинг? Чунки биз томошабинлар тайёр нарсани кўрамиз. Бунинг устига саҳна ортида яна қанча иш кўрмайдиган «томоша»лар ҳам бўлади. У ёғини очиғи билмаймиз. Гоҳо эшитиб қоламиз-да, фалончи актёрга фалон ролни берган экан, у норози бўлиб, бу обрўйимга тўғри келмайди деб ўйнамапти, деган гапларни...

— Яшириб нима қиламан. Бундай ҳолатлар кўп бўлган. Умуман олганда режиссёрлик оғир. Ўртада турган одамсиз-да. Тарозининг икки палласини тенг қўймасангиз ҳалигиндай майда-чуйда гаплар чиқаверади. Актёр халқининг кўнгли нозик. Салга жаҳли чиқиб тўппа-тўғри саҳнадан ҳам жўнаб қолаверади.

Яна бир нарса, аслида ролнинг катта-кичиги йўқ. Аммо ҳали айтганимдай, парда ортида талашиб-тортишиқилар бўлади. Шундай вақтда барибир ўксиниб кетаман. Режиссёрликнинг заҳмати оғир. Оғирлиги сизни кузатиб туришади. Роль тақсимлангандан тортиб, бировга яхши-ёмон гапиришингизгача эътибор қилишади. Гоҳо режиссёр икки ўт орасида қийналиб қолади. Масалан мен, фалончи номдор актёрни ўзим қўяётган асарда, унчалик кўзга кўринмайдиган кичик ролда ҳақиқий ижросини кўраяпман дейлик. У бунга кўнмаса нима бўлади? Шунинг учун ҳар доим ҳолис бўлишга ҳаракат қиламан. Гоҳо тажрибасизлигим панд беради. Катталардан маслаҳат сўрайман.

— Барибир, ҳақиқий баҳони томошабин беради. Улар кўриб, билиб туради. Оддийгина мисол: бундай гапларни кўп эшитганмиз. Телеспектакл ё видео фильмларни кўриб, э, шу артист фалон ролга мос тушмапти-да. Режиссёри ким экан? — дейдиган жуда нозик дидли томошабинлар йўқ дейсизми?

— Шунинг учун ҳам айтяпман-да, режиссёр холис бўлиши керак, деб. Бир домламиз доимо қайта-қайта такрорларди: Роль тақсимлашда ҳалоллик қилсанглар асарни томошабин яхши кутиб олади. Масалан, режиссёр яхши билади, қайси актёр нимага қодирлигини. Лекин у бирдан ўз кўнглидагини айтолмайди. Мен ҳам шу ҳолатга кўп тушганман. Истиҳола қиласан киши. Қандай айтаман? У қандай қабул қилади? Худога шукр, мана, катта театрда йигирма йилдан кўпроқ ҳам актёр, ҳам режиссёр бўлиб ишлаб, биров билан «сен-мен»га бормадим. Устозларим ,дўстларим,



ҳамкасбларим билан бир-биримизга суяниб ишлаб келаяпмиз.

— Бугунги кунда театр ва томошабин ўртасидаги муносабатни қандай изоҳлайсиз?

— Биласизми, мен нимадан қўрқаман? Маънавиятнинг бозорга солинишидан! Қўйинг, майли, фалон театр қўйган бир спектаклга ўн-йигирмата томошабин кирган бўлса бундан ҳеч ваҳимага тушмайлик. Бу саволга ҳақиқий жавобни газеталарингизда эълон қилинган суҳбатида бетакрор ижодкор Баҳодир Йўлдошев айтди. Мен қайтариб ўтирмайин.

Айрим обрўли, ўқимишли, зиёлинамо одамларнинг гапларини эшитаман: Э, дўстим, фалон театрнинг шундоқ ёнгинасида яшайману, лекин беш-ўн йилдан бери биттаям спектаклига киролмадим. Вақт йўқ. Сиз ўйларсиз, у бу гапларни ўзига ачингандек бўлиб айтаяпти, деб. Қайда, у мақтаниш маъносида сўзлаётир. Ана шундайлардан худо сақласин. Уларни ким дейин? Мана сизга икки ўртадаги муносабат...

— Эшитишимча, сиз катта-катта байрам сайларида ҳам театрлаштирилган томошаларга режиссёрлик қилган экансиз?

— Ҳа, Самарқанднинг Регистон майдонида ўн икки фоизли Ўзбекистон заёмининг ўйналишига бағишланган тадбирнинг бадиий қисмини ташкиллаштиришда қатнашдим. Бунинг жуда катта тарихий аҳамияти бор. Мен ўзимни жуда бахтли одам деб ҳисоблайман. Негаки, мустақиллигимизнинг бир йиллигига бағишланган гала-концертга режиссёрлик қилдим. Наврўз байрами тантаналарига, қолаверса, мустақилликнинг икки

«Рўйхатларда йўқ эди номи» спектаклида Сальников ролида.

йиллик тўйига ҳамда «Туркистон» саройининг очилишига бағишланган концертларда ҳам қатнашдим. Энг қувончлиси, Туркияда ўтган йили Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. У ёқда ҳам жуда оғир ва масъулиятли вазифани менга топшириштди. Бир воқеа эсимда: Туркияда юрибмиз. Босфор бўғозида машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов мендан сўраб қолдилар: «Маратбой: таассуротлар қалай энди?» Севиниб-севиниб «худога беҳад шукрлар бўлсин, ўз тупроғимда юргандайман» дедим. Шунда Эркин ака ўтган кунларини эслаб «Э, аввалларги келганимизда ортимиздан кузатиб юришарди. Бугун қаранг, ўз қондошларимиз тупроғида худди уйимиздагидек эмин-эркин юрибмиз» деб қўйди.

— Ҳар бир театрнинг ўз мухлислари бўлади, десам хато бўлмас. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқий томошабин ўз севган актёрини доим кузатиб юради. Унинг ижросидаги ролларни берилиб томоша қилади. Оддийгина ҳақиқат: ҳали-ҳали эсимда. Бугун ёши 60-70 га етиб қолган кексалар «Бизлар «Ҳамза»га Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳон, Олим Хўжаев, Зайнаб Садрнева, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Икрома Болтаеваларни бир кўриш учун борардик», деб хўрсиниб қўйишади. Бугун-чи олайлик, сиз Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғида бир даврада ўтирибсиз. Сиздан тасодифан «болам, «Ҳамза»да бугун кимлар бор?» деб сўраб қолишса не деб жавоб берасиз?

— Тўғри, юқорида беқорга бу мўътабар театрни Академия деб атамадим. Қанча кўксим тўлиб мақтансам, фахрлансам арзийди. Оллоҳга минг қатла шукрки бу остонада жуда кўп буюк инсонларнинг оёқ излари қолган. Бугун ҳам саҳналарнинг ҳар битта бурчида, деворларнинг орасида ана шу улуғ устозларнинг жарангдор ва ўлмас овозлари эшитилиб тургандек туюлаверади. Уларнинг руҳи доимо бизларни кузатиб турибди.

Яна бир нарсадан бахтиёрман, бугун ҳам устозларимиз Ғани ака, Набн ака, Зикир ака, Ёқуб ака, Рихсихон опалар бизга доимо бошқош. Шунингдек, халқимизнинг назарига тушиб қолган Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Саидкомил Умаров, Ҳожиакбар Нурматов, Теша Мўминов, эндигина катта остонадан ҳатлаётган Фатҳулла Мақсудов, Фотиҳ Жалолов, Абдурайим Абдуваҳобов, Мадина Мухторова, Зуҳрахон Ашурова ва бошқа яна ўнлаб иқтидорли актёрлар етишиб келаяпти. Уларга ишонсак бўлади.

— Оилангиз хусусида ҳам икки калима сўз айтсангиз.

— Уч ўғлим бор. Яқинда тўнғичимизни уйлантирдик. Университетнинг тарих факультетини битирди. Ўртанчаси Сарвар консерваторияда ўқияпти. Бобосининг изидан бораяпти — созанда бўлмоқчи. Сардор эса ҳали мактабда. Аёлим Гулчеҳрахон Крупская номидаги педагогика билим юртида ишлайди. Консерваторияни тугатган. Мусиқадан дарс беради.

— Марат ака, биласиз, эркак киши кўчанинг одами. Уйда нима бор, нима йўқ иши бўлмайди. Бўлса ейди, бўлмаса жаҳл қиладн. Сиз театрдан бўшамайсиз. Иш кўп дейсиз. Бунинг устига янгамиз ҳам ишлар эканлар. Ана шундай пайтларда...

— Мен ҳам сизга ўхшаб театрда ёки бирор ансамблда қўшиқ айтиб юрсам бўларди, деб аёлингиз гоҳо ўксиниб қолмайдими, демоқчисиз-да. Гулчеҳрахоннинг ҳам яхшигина овози бор эди. Алишер Навоий номидаги катта театр саҳнасида «Дилором» операсини марҳум санъаткор Саттор Ярашев билан ижро этган ҳам. Саодат Қобуловнинг шогирди эди. Турмуш қурганимиздан кейин унинг ўзи педагогика соҳасини танлади. Мен айтдим «хоним, яна бир кун келиб биздан норизо бўлиб юрманг, яхши овозим бор эди, йўл бермадингиз» деб. Йўқ унинг ўзи шу соҳани танлади. Менимча, пушаймонлиги йўқ.

Тўғри, рўзғорнинг ўзига яраша оғирликлари кўп. Бир маҳаллар 75 сўм ойлик олган пайтларимиз эсимга тушади. Ўшанда иккита ўғлимиз бор эди. Ана шу арзимаган пулни рўзғорга етказардик. Қойил қолардим. Кимга? Албатта аёлимга-да! Менга қолса бир кунда совурардим.

— Марат ака, суҳбатни «Салимбойвачча»дан бошловдик. Келинг, яна шу билан тугатайлик. Ойбекдай улуғ ёзувчининг бу асарининг видеофильми ўша пайтларда қанча шов-шувларга сабабчи бўлгани кўпчиликнинг эсида. Лекин, очиғи, бугунги кун назари билан қарайдиган бўлсак, ўша асар анча «қизил» ва замона тақозоси туфайли ёзилиб қолинган сезилади. Аммо истаймизми-йўқми, «Қутлуғ қон» видеофильми ҳақида 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошида анча ижобий баҳс-мунозаралар келиб чиққан эди. Сизнинг ҳаётингизда аввало ана шу фильмнинг, қолаверса «Салимбойвачча» ролининг аҳамияти қандай бўлган?

— Яхшими-ёмонми бу роль мени элга танитди. Марат отим «Салимбойвачча» бўлди. Хуллас, «Қутлуғ қон» менинг ҳаётимда бурилиш нуқтаси бўлди. Энди бу видеофильмни қанчалик тез ва шиддатли олинганини айтиб ўтирмайман. Ҳалиям бугунгидай эсимда, «Салимбойвачча!» деганда «Бақирма, аблаҳ қулоғим бор!» деган жойларини минг азоб билан қайта-қайта олганмиз. Аксига олиб битта камера бузилиб қолиб, биттаси ишлаган. Қанча асабийлашишлар, тортишувлар, э, эсламайин, у кунлар ўтиб кетди.

Жуда қийналганман. Дарёга тушиб кетиб ҳатто оқиб кетишимга сал қолган. Ҳали юқорида эсладим-ку, бир одамнинг битта аччиқ гапи видеофильм суратга олиниб, экранга чиқиб кетгунича эсимдан чиқмаган. Ҳўрлигим келган. Ана шунақа «Салимбойвачча»нинг кўргиликлари...

Марат Азимов... «Салимбойвачча»... 70-йиллар билан 90-йиллар орасида бир дунё хотиралар ётибди. Элликни қоралаб қолган одам ортига бир ўтирилиб қараса...

Йўқ, ортида туман кўринмади. Қуёш чарақлаб чиқиб келаётир. У энди секингина ўзича шивирлаб қўйди:

— Қуёш ботиб, чиқиб келаверар экан-да...

Норқобил ЖАЛИЛ
гурунглашди.

ҚУТЛУҒ РАМАЗОН ОЙИНГИЗ МУБОРАК!

РАМАЗОНДАГИ САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ВАҚТЛАРИ

Рўза тутиладиган кунлар	Саҳарлик (соатда)	Ифторлик (соатда)
11 февраль	5.44	17.51
12 февраль	5.42	17.52
13 февраль	5.41	17.53
14 февраль	5.40	17.54
15 февраль	5.38	17.56
16 февраль	5.37	17.57
17 февраль	5.36	17.57
18 февраль	5.34	17.58
19 февраль	5.33	17.59
20 февраль	5.32	18.01
21 февраль	5.30	18.03
22 февраль	5.29	18.05
23 февраль	5.27	18.06
24 февраль	5.26	18.07
25 февраль	5.24	18.08
26 февраль	5.23	18.09
27 февраль	5.22	18.10
28 февраль	5.20	18.11
1 март	5.19	18.12
2 март	5.19	18.14
3 март	5.17	18.15
4 март	5.15	18.17
5 март	5.12	18.19
6 март	5.10	18.20
7 март	5.08	18.21
8 март	5.06	18.22
9 март	5.04	18.23
10 март	5.03	18.24
11 март	5.01	18.26
12 март	5.00	18.27

ИЗОҲЛАР: Муборак Рамазон ойининг милодий 1994 йил 11 февралда бошланиши 1414 Ҳижрий йил диний тақвимига асосан кўрсатилди. Ойнинг чиқиши бир кунга фарқ қилиши ҳам мумкин.

Рамазоннинг 26-сига ўтар кечаси «Лайлатул Қадр» кечаси.

РЎЗА ТУТИЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона мин алфажри илал мағриби. Халисал лиллаҳи таъоло.

Маъноси: Оллоҳ таоло учун ихлосим бирла Рамазон ойининг рўзасини тутмоқликни субҳдан кун ботгунча ният қилдим.

ОҒИЗ ОЧИЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка тавккалту ва ъала ризқиқа афтарту фағфирлий йа ғаффару ма қаддамту ва ма аххарту.

Маъноси: Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим ва сенга таваккал қилдим. Ва сенинг берган ризқинг бирла ифтор қилдим. Эй, гуноҳларни авф қилғувчи Оллоҳ, бас, энди мани аввалги гуноҳларимни ва охирги гуноҳларимни мағфират қилғил ва ёрлақоғил.

* * *

Ҳар йили Рамазон ойида 30 кун рўза тутиш фарздур. Рўза кундузи ейиш, ичиш ва жинсий алоқа қилишни тарк этишдан иборат. Ким уни адо этса, Оллоҳ таолонинг олдидаги бурчини бажарган бўлади ва икки дунёнинг саодатига эришади.

ОЛЛОҲ РЎЗАНИНГ ФАРЗЛИГИНИ «БАҚАРА» СУРАСИДА БАЁН ҚИЛГАН:

«Эй имон келтирганлар, сизларга ҳам худди сизлардан олдингиларга фарз қилингандек, рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсаларингиз» (183-оят).

* * *

ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ ШУНДАЙ ДЕГАНЛАР:

«Албатта рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фаҳш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан уришса ёки сўкишса, мен рўзадорман, мен рўзадорман, деб айтсин».

* * *

«Кимки Рамазоннинг фарз эканлигига ишониб, унга ихлос қилиб ва унинг савобидан умид айлаб, рўза тутса, илгариги қилган гуноҳларининг барчаси кечирилғайдир».

* * *

«Лайлат ул-қадрни Рамазоннинг охирги ўн кунлигидан истанглар».

«Кимки қадр кечасини, унинг улуғлигига ишониб, унга ихлос қилиб ва ундан савоб умид айлаб, ибодат билан бедор ўтказса, илгари қилган гуноҳларининг барчаси кечирилғайдир».

* * *

Ҳалокатга олиб борувчи етти хил гуноҳдан сақланинглар:

1. Тангрига ширк келтирмоқ.
2. Сеҳр ишлари билан шуғулланмоқ.
3. Бировни ноҳақ ўлдирмоқ.
4. Судхўрлик.
5. Етимлар молини емоқ.
6. Ватан мудофааси учун бўлаётган урушдан қочмоқ.
7. Эрли, мўмина, иффатли аёлларни фоҳиша деб ҳақоратламоқ».

* * *

«Саломлашиб юринглар, одамларга таом едиринглар, тангри буюргандек ўзаро биродар бўлинглар».

* * *

«Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу-дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради».

• *Навоийхонлик*

ҚАДРИЯТЛАР ГУЛТОЖИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг мажлислар залида Алишер Навоий таваллудининг 553 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби Абдулҳафиз Жалолов очиб, шеърият мулки султонининг ҳамма даврларга ва авлодларга лаббай деб жавоб берадиган бетакрор ижоди, ўзида инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини ташиган илҳомбахш қаҳрамонлари, абадияти ҳақида гапирди.

Кечага ташриф буюрган атоқли навоийшунос олим Азиз Қаюмов мутафаккир шоирнинг мумтоз адабиётимизда тутган ўрни, миллий маданиятимизни ривожлантиришдаги бетакрор ҳиссаси, ҳамиша илҳомбахш ижодий анъаналари, бугунги сўз санъатимиз намояндалари ҳурмат-эҳтиром билан қўллаётган тажрибалари тўғрисида сўзлаб берди. Адабиётшунос ўз маърузасида миллий адабиётимиз ва санъатимизда ранг-баранг саҳифаларга тўлиқ Навоийнома яратилганини, 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган шоир Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» чоркитоби бу соҳада янги йирик адабий воқеа бўлганлигини алоҳида қайд этди.

Кечада иштирок этган совриндор шоир Барот Бойқобилов ўзининг тўрт шеърий асари устида олиб борган кўп йиллик изланишлари, ижодий режалари ҳақида тўхталиб, ҳукуматнинг юксак эътирофи ўзига янада катта масъулият юклашини таъкидлади.

Кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

АНЪАНАЛАРИМИЗ

ЎЗБЕКНИНГ КЎПКАРИСИ...

Қўшни қишлоқдан тўйхат келди. Биродарларини яхши кунига чорлаган тўй эгаси алоҳида таъкидлабди: «Билган, кўрган чавандозларга айтингиз, зўр кўпкари бераман. Қатта зотига...».

Эшитганлар келаверишди. Етаклашиб, бедовини ўйнатиб. Базм оқшоми. Кўча-кўй, ҳовли отнинг дупур-дупурига тўлиб кетди. Меҳмонни, унинг йўрғасини бетоқат кутган болаларнинг қувончи ҳам бир дунё.

— Мен ўтган гал улоқни «қирган» кўк отни миндим. Эгаси жилови қаттиқ, чоптирма бола, деганди. У «тўй қуллуқ бўлсин»дан чиққунича икки марта тизиллатиб келдим, жўра.

— Менга-чи, гап бошлайди бошқаси. — Ҳар доим ёмони тушади. Икки меҳмоннинг отини минувдим, чўгирми, гўрми, қимирламайди-я!

Тўйнинг энг ҳавасманди болалар. Меҳмоннинг отини беш минут миндими, тамом, шу билан ўн кун хурсанд бўлиб юради.

...Жамоат кўпкаридан қолма-а-а...

Жарчи қишлоқнинг у бошига етмай қорабайирини ўйнатган полвонлар, саманига сўлиқ тишлатган сайис, овози оламни бузган жийронлар турнадек тизилади.

Баковул оқ фотиҳа берди.

— Чилвир, чаппа қайиш бекор. Ҳалоллаб ташлайсан!

Дала-даштни ларзага соладиган шовқин бошланади.

— Ҳайда, қўйма, маҳкам ушла, торт!

Ана шунақа, кўпкарини эр йигит чопади. От залворини кўтарганлар, қамчининг даҳшатли зарбига бардош берганлар тўдага киради оғайни.

Чавандозликдай оғир спорт тури дунёда йўқ. Бедовнинг тепкиси йиқилиш-сурилишларга Туркистон ўғлонларигина бардош бериб келган. Ундан-да, Ўзбекнинг кўпкарили тўйидан-да қизиқ тўй борми жаҳонда? Йўқ!

Нор ҚОБИЛ,
Қурбон АЛИ,
Суратларни
Владимир МОЛГАЧЕВ
олган.





ҚУТЛОВ

Отамиз Яраш Мусурмонов 60 баҳорни қарши олдилар. Ургут ноҳиясидаги 71-мактабда 44 йил мобайнида ёшларга таълим бериб «Маориф аълочиси» ҳамда «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» юксак унвонига сазовор бўлганлар. Отажонимизга узоқ умр тилаймиз. Туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклаб, ўғиллари:

Саттор, Аҳрор, Алишер, Акмал, Акбар, Маҳмуд, Аброр МУСУРМОНОВлар.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Фанлар академияси раёсати, биология фанлари бўлими ва «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси профессор О. Ж. Жалиловга онаси

ХУРСАНОЙ АЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзматлуботташқисавдо» экспорт-импорт савдо-сотиғи бўйича хўжалик ҳисобидаги база жамоаси база директори М. М. Матсапаевга отаси

Матсап МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент «СИГНАЛ» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмаси жамоаси Республикада хизмат кўрсатган саноат ходими

Исроил ҳожи ИСМОИЛҲОЖИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси жамоаси, комплекснинг илмий лаборатория мудири У. Ҳ. Аҳмедовга отаси

Ҳамиджон АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—791. тир. 87.259.

Навбатчилар: К. РИҲСИЕВ, ҚУРБОН АЛИ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.